Шу азиз Ватан — барчамизники!

Ишонч

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

● 2 апрель 1996 йил, сешанба ● № 26 (273)

Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги фермер Нурмуҳаммад Арслонов хайру саховат кўрсатишни мақсад қилиб олган олижаноб кишилардан саналади. Навруз байрамида у кам таъминланган оилаларга, ногиронларга 1 тонна ун ва 300 килограммдан ортиқ гўшт тарқатди.

Бундай хайрли ишни фермер энди утказаётгани йўқ. Хўжалигидаги 68 бош қорамолни парваришлаб, ҳам эли, ҳам оиласи дастурхонини тўкин қилмоқда.

Суратда: фермер хўжалиги бошлиғи Н.Арслонов.

Т.ҲАМРОҚУЛОВ сурати.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Илгари хабар қилганимиздек, Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Вьетнам Социалистик Республикасида бўлди. Узбекистон ва Вьетнам уртасидаги дустлик ва ҳамкорликнинг янги қирраларини бошлаб берган ушбу ташриф давомида Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Ле Дик Ан иккала мамлакат уртасида давлатлараро муносабатлар асослари ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Шунингдек, ҳукуматлараро ва банклараро бир қанча ҳужжатлар ҳам имзоланди.

Узбекистон раҳбари Ислом Каримов Президент саройида ВСР бош вазири Во Ван Кьет билан учрашди. Шунингдек Ислом Каримов Вьетнам Компартияси Марказий Қумитаси Бош Котиби До Миой билан ҳам мулоқотда бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов Ханойда Вьетнам ишбилармон доиралари билан суҳбатлашди. Уларга мамлакатимизда ишбилармонлар ва хорижлик сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар хусусида сўзлаб берди. Мутахассислар ва журналистларнинг якдил фикрича, юртбошимиз Ислом Каримовнинг Вьетнам Социалистик Республикасига ташрифи шубҳасиз ҳар икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилади.

ИЖТИМОИЙ СОҲА — БОШ МЕЗОН

Узбекистон геология, қумир, нефть ва газ саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қумитасининг ташкил этилганлигига эндигина бир йил тўлди. Уттан вақт ичида мамлакат ва тармоқ ҳаётида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Хусусан, 1995 йилда ёқилғи—энергетика мажмуасининг иқтисодий кўрсаткичи 100.7 фоизни ташкил этди. Яъни миллионлаб тонна нефть, 48.6 миллиард кубометр табиий газ, 3.0 миллион тоннадан ортиқ қумир қазиб чиқарилди. Бундай муваффақиятларнинг омили эса ишчиларимизга яратилган қулай шарт-шароит ва ижтимоий ҳимоядир. Зеро, бозор муносабатларига ўтиш даврида ишчи-ходимларнинг муҳофазаси биринчи галдаги вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қумитасининг II Пленумида ҳам асосий эътибор шу соҳага қаратилди. Маълумки, ҳозирги кунда республикадаги корхона, ташкилотларда тузилаётган жамоа шартномаси ва ходимларнинг касаба уюшмаси орасидаги битимлари нуфузли ҳужжатларнинг бирига айланаётир. Чунки томонларнинг манфаат ва бурчлари айнан шу ҳужжатларда тўлиқ аксини топмоқда. Пленумда сўзга чиққан тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қумитасининг раиси А. Ашуралиев ўз нутқида ишчиларга яратилаётган бир қатор имтиёзларни эслатиб ўтди. Хусусан, тармоқ корхоналарининг умумий даромадидан 2 фоизи бошланғич касаба уюшмаларига ажратилиши лозимлигини таъкидлади.

Пленумда сўзга чиққанлар, шунингдек, баъзи муаммолар хусусида ҳам тўхталиб ўтишди. Улардан энг асосийси — ишчиларга маоши ўз вақтида бермасликдир. Гап шундаки, маош тўлашни кечиктиришнинг бир қанча сабаблари бор. Дебиторлик қарзларининг йиғилиб қолиши, маҳаллий банкларда нақд маблағнинг бўлмаслиги шулар жумласидандир. Ана шу муаммолар иложи борича тезроқ ҳал қилиниши ҳақида фикрлар билдирилди.

Пленумда касаба уюшма Марказий Қумитаси аъзолари, бирлашма раҳбарлари қатнашишди. Шунингдек Пленум ишида Узбекистон Олий Мажлисининг депутати, «Узбекнефтгаз» Миллий корпорацияси раисининг муовини А. Раҳимов Узбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Пленумда тегишли масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

Улуғбек НИҒМОНЮВ,
тармоқ касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг бўлим бошлиғи.

ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА

● Москвада Белорус, Қозоғистон, Қиргизистон ва Россия давлат раҳбарлари иқтисодий ва гуманитар соҳаларда интеграцияни чуқурлаштириш бўйича тўрт томонлама шартномани имзоладилар. Халқаро иқтисодий ва сиёсий тадқиқотлар институти эксперт етакчи мутахассисларидан бирининг фикрича, энг аввало Белорус ва Қозоғистондаги оғир иқтисодий аҳвол бу республикаларни ана шу интеграцион иттифоққа киришга рағбатлантирган. Белорус президенти Александр Лукашенко ушбу интеграцион иттифоқ шартномаси келажагини қандай кўришини изоҳлаб шундай деган: «Ҳақиқатан ҳам максимал интеграция - бу ягона давлатдир ва ўйлайманки, агар биз шу чуқур интеграцияга эриша олсак халқларимиз учун катта эзгулик бўларди».

***

● «Интеграцион жараёнлар» деб аталган воқеаларнинг сўнгги кунлардаги активлашувига Россиядаги турли сиёсий кучлар узларининг муносабатларини изоҳ этмоқдалар. Халқ-демократик коалицияси мўътадил қаноти собиқ тўрт совет республикалари давлат бошлиқларининг ташаббусини Давлат думаси топшириғини бажаришдан бошқа нарса эмас, деб баҳолади. Узларини учинчи куч ролига даъвогар ҳисобловчи сиёсий лидерлардан Александр Лебедь, Святослав Федоров ва Григорий Явлинский ҳозирги ҳокимиятнинг интеграцион режаларини айнан коммунистлар маъқуллаганликлари учун ҳам уларни танқид қилиб чиқдилар.

● Қизғин мунозаралар учун кенг майдон очиб бераётган иккинчи масала Чеченистон муаммосидир. Григорий Явлинский «Яблоко» ташаббуси билан Россиянинг йирик шаҳарларида урушга қарши қатор норозилик тадбирлари ўтказилишини маълум қилди. Бундан мақсад фуқаролар бемаъни урушнинг давом этишини мутлақо истамаётганлигига яна бир бор эътиборни қаратишдан иборат, деди у. «Яблоко» лидери урушни тўхтатиш йўлларини кўрсатиб бермаса-да, Президентлик сайловларида коммунистлар галабасининг Чеченистон учун оқибатлари ёмон бўлиб, урушнинг янада шафқатсизроқ тус олишини таъкидлади.

***

● Россия Президенти Б.Ельцин Чеченистонда якшанба куни маҳаллий вақт билан ярим кечада жанговар ҳаракатларни тўхтатишга буйруқ берди. Шундан кейин секин-аста Россия қўшинлари бу ердан олиб чиқиб кетила бошлайди. Бироқ Президент Б.Ельцин янги жанглар эҳтимоли йўқ эмаслигини ҳам қайд этди. Чунки, деди у, террорчиликка қарши операциялар давом этади.

Б.Ельцин, шунингдек, воситачилар ёрдамида Чеченистон айирмачи раҳбарлари, шу жумладан, Ж.Дудаев билан музокаралар олиб боришга ҳам тайёр эканлигини билдирди.

***

● Россия президенти ёрдамчиси Александр Липшиц иш ҳақи бўйича қарзларни қоплаш учун минтақаларга молиявий ёрдам тадбирлари тўла амалга оширилганини маълум қилди. Бироқ корхоналар ҳисобига пул тушса ҳам, бу энди ходимлар маошларини вақтида оладилар деган гап эмас. Кўпинча корхоналар раҳбарларининг узлари атайлаб маошларни тўхтатиб турадилар. Бу ҳақда журналистлар билан бўлган учрашувда Россия бош прокурори Юрий Скуратов сўзлаб берди. Унинг айтишича, ҳозиргача 1,5 мингдан ортиқ раҳбарлар маошларни вақтида бериш бўйича фармонни бажармаганлик учун жавобгарликка тортилган. Ҳозиргача, деди у, биз 38 жиноий иш қўзғатдик. Прокурорлик назоратининг бутун қувватини ишга солиш ниятидамиз, дея сўзини якунлади бош прокурор.

ХОРИЖДА

● АҚШ мудофаа вазири Уильям Перри Боснияда вайрон этилган иқтисодиётни тиклаш учун кенг кўламли ишлар олиб бориш кераклигини баён қилди. Боснияда республикани тиклашгина тинчликка олиб келади, деди у. Мудофаа вазири тинчликни ўрнатиш жараёнининг ҳарбий жиҳатларидан қониқиш ҳосил қилганлигини билдирди. Уттан якшанба куни У.Перри Босния-Герцоговинанинг шимоли-шарқидаги Тузла ҳудудида жойлашган америка ҳарбий хизматчиларини бориб кўрганди. Болқон бўйлаб мудофаа вазирининг турқум сафарларидан қўзда тутилган мақсад этник асосдаги янги можаролар туғайли қўлга киритилган натижаларнинг барбод бўлишига йўл қўймасликдир

***

● Миср ахборот вазири Савфат-ал Шариф хабар қилишича, Ливия раҳбари Муаммар Қаддофи уттан ҳафта самолётни Ливияга олиб қочган уч мисрликни юртига топширишга рози бўлган. Вазир М.Қаддофи, шунингдек, шу иш юзасидан ҳужжатларни топширишга ҳам розилик билдирганлигини маълум қилди. Миср вазири бу иш қачон амалга оширилиши айтмаган, Ливия томони эса, бу хусуида ҳеч қандай маълумот бергани йўқ.

***

● Хитой АҚШни Тайван билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва Пекинни инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан қарашга мажбур этишга қаратилган қонун лойиҳасини муҳосара қилишга даъват этмоқда. ХХР Ташқи ишлар вазирлиги вакили, лойиҳа Хитой-Америка муносабатларига катта зарар етказади, деб айтган. Ушбу қонун лойиҳаси март ойининг бошларида Америка конгресси томонидан маъқулланган бўлиб бироқ, Б.Клинтон унга вето қўйишга ваъда берганди.

Иқтисодиёт хабарлари

КУН ТАРТИБИДА ИСЛОҲОТ МАСАЛАСИ

Узбекистон Республикаси Олий Мажлисида уч кун мобайнида республика парламент аъзолари учун иқтисодий бошқарув ва ислоҳотга бағишлаб семинар ўтказилди. Семинарни ўтказишда Жаҳон банкининг Иқтисодий ривожланиш институти фаол ёрдам кўрсатди.

Семинарда Олий Мажлис Раиси Э.Халилов, Иқтисодий ривожланиш институтининг вакили М.Тодорова, Жаҳон банкининг Узбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Х.Молинеус, Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.Чжен, таниқли чет эл иқтисодчи олимлари, Узбекистоннинг давлат арбоблари ва бошқалар нутқ сўзладилар.

Хитой, Малайзия каби мамлакатларда, Шарқий Осиё мамлакатларида бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос муаммолари ҳамда тажрибаси семинар қатнашчиларининг диққат марказида бўлди. Шунингдек хусусийлаштириш ва тадбиркорлик, Узбекистонни жаҳон иқтисодиёти жараёнларига тортиш, ҳалол мулкчилик ҳуқуқларини белгилаш, ўтказилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос хусусиятлари масалалари ҳам атрофлича таҳлил қилинди.

Семинар сўнгида матбуот конференцияси ўтказилди. Унда Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.Халилов нутқ сўзлади ва журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Ф.ТЕМУРОВ.

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Руссия-Узбекистон-Англия қўшма корхонаси «МАСК» маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Бу ерда пластмассадан ясалган ва 1,5 литр ҳажмли бутилкалар, овқат доривори (кетчуп) солинадиган ва 330 граммли кичик бутилкалар тайёрланмоқда. Узбекистон томонидан «Узмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси янги корхонанинг таъсисчиси ҳисобланади.

Андижон вилоятининг Куйганёр қишлоғида яшовчи аҳолининг талайгина қисми мазкур корхона туфайли иш билан таъминланди.

Овқат доривори солинадиган ва пластмасса бутилкаларни тайёрловчи ишлаб чиқариш линиясини Италиянинг «Виршаури» фирмаси етказиб берди.

Ҳозир ҳар соатда 3 минг дона пластмасса идишлар тайёрланаяпти. Эҳтиёж учун жуда зарур бўлган бу маҳсулот Овруподаги Италия, Венгрия, Олмония каби мамлакатларга ҳам етказиб берилади.

«Узмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси тизимида шу хилдаги ўндан ортиқ қўшма корхона фаол иш юритмоқда.

Т. ШЕРОВ.

Такдимот

GlaxoWellcome ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкентда Англиянинг «Glaxo Wellsome фармацевтика фирмасининг Узбекистонда ваколатхонаси очилишининг тақдимоти бўлиб ўтди. Бу фирма соғлиқни сақлаш соҳасида жаҳондаги энг етакчи фирмалардан биридир.

Журналистлар, республика радио ва телевидение вакилларининг матбуот конференциясида сўзга чиққан компаниянинг Узбекистондаги ваколатхонасининг директори Левон Саркисов фирманинг фаолияти, унда тайёрланаётган дорилармонларнинг самарадорлиги ҳақида гапирди.

Жумладан, фирманинг ярага қарши Зантак дориси дунёда энг кўп сотилаётган (3,5 млрд АҚШ доллари) препарат сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига кирган. Вентолин, Бекотид, Зантак, Фортум, Зиннат дорилари Буюк Британиянинг технология ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган Қироллик мукофотига, Зофран, Лаципил ва Ламиктал (1995) дармонлари эса фармацевтика маҳсулоти яратилганлик учун бериладиган Европанинг олий мукофоти — Гален соврини билан тақдирланган.

«Glaxo Wellsome» компанияси илмий тадқиқотларга ва технологик ечимларга алоҳида эътибор бериб, уларга катта маблағ ажратмоқда. Шу мақсадлар учун 1996 йилда 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилган. Фирманинг илмий марказларида юқори малакали мутахассислар ва олимлар, шу жумладан Нобел мукофоти лауреатлари ишлашмоқда. Улар дунёнинг 11 биотехника фирмаси ва 50 йирик университети билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

Дунё бозорида умумий саъй-ҳаракатларни ва ютуқларни бирлаштириш мақсадида бултур фармацевтика дунёсининг етакчиси

«Glaxo» вирусга қарши тадқиқотлари сардори «Wellsome» компанияси билан бирлашди. Улар базасида бунёд бўлган энг йирик фармацевтика «Glaxo Wellsome» фирмаси бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида ўз ваколатхонасига эга.

Фирма раҳбарияти МДҲ мамлакатларида, биринчи навбатда Узбекистонда ўз фаолиятига кенг кулоч ёзишига катта умид боғламоқда. Зеро, бу мамлакат раҳбарияти халқ саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик кўрсатмоқда. «Соғлом авлод учун» жамғармаси, халқаро «Экосан» фонди тузилгани, республикада замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги клиникалар қурилгани бунинг далилидир. Қорақалпоғистон Республикасида вужудга келган мураккаб экологик вазиятни ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муамоларни ҳисобга олиб «Glaxo Wellsome» компанияси мазкур минтақада ҳам ўз ваколатхонасининг бўлимини очди.

Александр СИЛЕЕНКОВ,
«Ишонч» мухбири.

Нуқтаи назар

ДАЪВАТ

Россия Федерациясининг Давлат Думасининг 1996 йил 15 март куни қабул қилган «антиқа» қарори хусусида Узбекистон давлати раҳбариятининг, айниқса, юртбошимиз Ислом Каримовнинг Россия Федерациясининг Президенти Борис Ельцинга юборган мактуби ва Узбекистоннинг Республикаси Олий Мажлисининг ушбу муносабат билан ўша куниёқ чиқарган қарорида билдирилган хулосалар Узбекистон кимёгарларининг айни дилидаги фикрларидир.

Россия парламентининг бошқа суверен ва мустақил мамлакатлари халқи номидан ҳужжатлар қабул қилиши ҳеч бир соғлом мантиққа тўғри келмайди ва гўёки «Собиқ СССРни тиклаш» ҳамдўстлик (МДҲ) таркибига кирувчи республикалар халқларининг умумий ҳоҳиши, деб даъво қилиш ўзини-ўзи алдашдан бошқа нарса эмас.

Жамият тараққиёти ривожланиши табиий жараён бўлиб, уни айрим тўла ёки гуруҳлар томонидан сунъий равишда ўзгартириш мумкин эмаслигини собиқ СССРнинг тақдири яққол кўрсатди.

Узбекистоннинг давлат мустақиллигининг натижа ва самараларини республикамиз ҳудудида яшовчи барча миллатларнинг вакиллари қўллаб-қувватламоқдалар. Мустақилликнинг халқимизга берган неъматларидан энг муҳимларини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Аввало, Узбекистоннинг тенглар ичида тенг бўлиб БМТга ва бошқа ҳамжамиятларга қабул қилинганлиги, кўплаб мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилганлиги, шу муқаддас юрт тузини ва тупроғини азиз деб билган ҳар бир фуқарода чексиз ифтихор ва фахрланиш ҳиссини уйғотади.

Фуқаролар онгида, руҳиятида ва фаолиятида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, яъни боқимандалик ва ўзибўларчилик кайфиятларидан халос бўлиб, вужудимизда мудраб ётган тадбиркорлик ва ташаббускорлик хусусиятларининг уйғонаётганлиги ҳам айнан мустақиллик шарофатидир.

Қолаверса, қарийб унитилаётган бой маданий қадриятларимиз ва урф одатларимизнинг тикланаётганлиги, республикамизда ҳукм сураётган ижтимоий барқарорлик ва миллий тотувлик, меҳнаткашларимизнинг фидокорона меҳнати ва жамиятимизда утказилаётган чуқур ислоҳотлар ҳам мустақиллигимиз туфайлидир.

Шу билан бир қаторда Узбекистон давлати, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, Россия билан тенг ҳуқуқлилик ва яхши шерикчиликка асосланган ҳамкорликни кучайтиришдан манфаатдордир.

Республикамиздаги мавжуд кимё корхоналарида меҳнат қилаётган ходимларнинг қарийб ярми рус миллатига мансуб. Улар ҳам Узбекистон давлатида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб, мустақил Узбекистоннинг буюк келажаги учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Россия Давлат Думасининг эски тузумни тиклаш ҳақидаги чақириғи республикамиздаги нафақат ўзбек миллати, балки русийзабон меҳнаткашларнинг ҳам ғашига тегмоқда. Мен Узбекистон кимёгарлари номидан барча бугиндаги касаба уюшма идоралари ва фаолларига мурожаат қилиб, меҳнаткашларни тинч ва осойишта меҳнат фаолият билан кераксиз «большевикча» чақириқларга муносиб зарба беришга даъват қиламан.

Неъмат ҚОСИМОВ,
Республика кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси.

МУСТАҚИЛМИЗ, МУТЕЛАР ЭМАС

(Думачиларга жавоб)

Керак эмас ул собиқ қафас,
Энди эркин оламиз нафас.
Нияти пуч, Думачилар, бас,
Мустақилмиз, мутелар эмас.

Тенглар ичида биз ҳам тенгмиз,
Юртимиздек бағри кенгмиз.
Билиб қўйинг, бахти чўнгмиз,
Мустақилмиз, мутелар эмас.

Ўзбек бугун ёниб яшайди,
Истиқлол, деб қадам ташлайди.
Улкан ишни дадил бошлайди,
Мустақилмиз, мутелар эмас.

Элга содиқ йўлбошчимиз бор,
Оллоҳ бизни сира этмас ҳор.
Истиқлол-ла бўлар омад ёр,
Мустақилмиз, мутелар эмас.

Нуриддин ЯҲЁЕВ.

ЯНГИЛИК САМАРАСИ

«Тошкентйўловчитранс» ва «Бибихон» хайрия фирмаси ташаббуси билан, «Тошкентавтошоҳбекати» ва йўловчи ташиш автокорхоналарда санитар-дезинфекциячи уч ойлик курси фаолият кўрсата бошлади. Бундан мақсад Тошкент шаҳри ва унинг атрофларида, қатновчи йўловчи ташиш транспортларида, ҳар куни санитар-дезинфекциячи ходимлар томонидан, автобус ва транспорт воситаларининг ички қисми, ўриндиқлар, дастаклар, ҳар хил юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, чора кўриш мақсадида, санитария қоидалари асосида тоза-озода ҳолга келтирилмоқда.

Биз Самарқанд автошоҳбекатида бўлганимизда Тошкент-Оҳангарон йўналиши оралигида қатновчи автобус ҳайдовчилари Икром Сулаймонов, Ҳайитбой Бойнаев билан мулоқотда бўлганимизда, янги вужудга келган узгаришдан, санитар-дезинфекциячи Равшан Розиқов ва Марғуба Абдураҳмонова кабилар ишларидан мамнун эканликларини изҳор қилишди.

Рустам Маткаримов раҳбарлик қилаётган, «Бибихон хайрия» фирмаси ва «Тошкентйўловчитранс» билан биргаликда, бир қатор хайр-саховат таъмирлаш сингари ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда.

Мазкур санитар-дезинфекциячи ходимлар, эндиликда, «Узавтотранс» давлат корпорацияси тасарруфидаги барча автошоҳбекат ва йўловчи ташиш автожамланмаларда ҳам ташкил этилмоқда.

Раҳмиддин КЎЧИМОВ.

Биржа хаётидан

«ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!»

Республика мол-хомашё биржасида «Ўзкимёполимерсавдо» ва «Ўзёғочқоғозсавдо» ҳиссадор жамоаларининг ярмарка-савдоси бўлиб ўтди. Савдога кимё, ёғочсозлик, қоғоз саноати маҳсулотлари қўйилди. Ярмарка иштирокчиларидан икки киши билан мулоқотда бўлдик.

«Ўзёғочқоғозсавдо» ҳиссадор жамоасига қарашли хўжалик ҳисобидаги «Сервис» брокерлик фирмасининг директори Ҳолида Абдуллаева:

-Бу ярмарка химия, урмон, ёғоч, қоғоз саноати ишлаб чиқарган маҳсулотлари бўйича ташкил қилинган ихтисослашган савдодир. Фирмамиз кўп молларни шартнома асосида Россиядан келтирган. Савдога 130 турдан ортиқ 450 миллион сумлик маҳсулот қўйилган. Асосий маҳсулотларни - ёғоч, ДСП, ДВП, тахта, қоғоз ташкил қилади. Ҳиссадор жамоамизда хужалик ҳисобида «Лесбумсервис»,«Лесбумбумуз», «Ёғочқоғоз» сингари машиий савдо фирмалари фаолият кўрсатмоқда. Бу фирмалардан ташқари шу саноат, тармоғига қарашли бошқа корхоналар ҳам иштирок этмоқдалар. «Кармстон»,«Чинор»,«Широқ» кичик корхоналари ҳам узлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари билан қатнашмоқдалар. Бежирим, ажойиб мебелларга талаб катта. Битимлар тузаяпмиз. Ҳозирча 20 миллион сумлик шартномалар тузилди. Дераза, эшик, мебель ва плинтусларга харидорлар кўпайиб бормоқда. Ярмаркада доимий жойимиз бор. Маҳсулотларимизни мунтазам намойиш қилиб борамиз. Қизиққан ўртоқлар қўйидаги манзилга келсалар бас: Навоий кўчаси, 7-уй.

«Ўзкимёполимерсавдо» фирмаси лак-бўёқ бўлим бошлиғи Аҳмаджон Мамадалиев:

-68 хилдаги 12 миллион сумлик буёқ ва бўёқ маҳсулотлари, автошиналар, пластмасса, резина-техника маҳсулотларини олиб келганмиз. Асосий мақсадимиз МДҲ давлатларига сотиш ва у ердан керакли мол-хомашёлари олиб келиш. Чунки халқимиз талабини қондириш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Шу тармоққа қарашли бошқа корхоналар ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқдалар. «Кон-М»,«Контракт-сервис»,«Ташинтерм»,«Хоразм-Моваро-пласт»,«Хизмат» кичик корхоналари, «Олмалиқ маиший химия» заводи, Навоий шаҳар «Электрхимзаводи» шулар жумласидандир. Ярмаркага қизиқиш катта. Хилма-хил маҳсулотларни қуриб дилингиз қувнайди. Ярмарка савдоларининг афзаллиги шундаки, бу ерда сотувчи ва олувчи юзма-юз учрашиб, маҳсулот баҳосини келишиб оладилар. Бу ерда брокерлик хизматларига ҳожат қолмайди. Узаро келишилган ҳолда шартномалар тузилади. Қувонарли жойи шундаки, бундай ярмаркаларни уюштириш Республика мол-хомашё биржасида анъана тусини олмоқда.

Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

Қоракўлчилик: муаммо ва ечимлар

КАТТА БОЙЛИК

ёхуд хом ашё ишлаб чиқариш билан чўпоннинг бири икки бўладими?

Қизилқум ва у билан туташиб кетган даштликларда азал-азалдан буён қоракўл қўйлари боқиб келинган. Бу ерларда чўпонлар сулолалари шаклланган. Уларнинг тирикчиликлари сурув-сурув қўйлар орқасидан уттан. Чорвадорлик бу юрт одамларига ота касб.

«Бухоро қоракўли» деб ном олган ва жаҳон бозорларида юқори баҳоланган сержило қоракўл териларига харидорлар ҳар доим топилган. Қолаверса, қоракўл қўйлари тарқалган жойлар дунё харитасида унчалик ҳам кўп эмас. Марказий Осиё мамлакатлари асосан Узбекистон, Қозоғистон, Туркманистон ҳамда Афғонистон ва Намибия каби давлатлар, холос.

Лекин кейинги йилларда қоракўлчиликда анчагина жиддий муаммолар пайдо бўлди. Қоракўлчилик хўжаликлари оғир иқтисодий бўҳронларни бошдан кечирмоқда. Бугунгининг вазифаси эса шундай оғир иқтисодий аҳволдан қутулиш йўлларини таҳлил этиш, сабоқ чиқариб, изланишларни тўхтатмасликдир.

Навоий вилоятида қоракўлчилик асосий тармоқлардан бири. Томди, Конимех, Нурота, Учқудуқ туманлари хўжаликлари қоракўлчиликка ихтисослашган. Вилоятда 38 хўжалик шу соҳа билан банд. Уларда минглаб кишилар меҳнат қилади. Тирикчиликлари эса чорвачиликка қараб қолган.

Бугунги кунда «Навоийқоракўл» ишлаб чиқариб бирлашмаси (бош директори Я. Халилов) тизими хўжаликларида 1 миллион 200 минг бош атрофида қўй мавжуд. 10 минг бошдан ортиқ йилқи, 1000 га яқин туя, шунингдек қорамоллар ҳам вилоят яйловларида боқилмоқда.

Бир қарасангиз бу жуда катта бойлик. Ҳақиқатан ҳам юртимиз бойлиги. Ҳамма гап шундаки, ана шу хазинани яратаётганлар, унинг бошида турган чўпон-чўлиқларнинг косаси оқармаяпти.

Маълумки, узоқ йиллар давомида қоракўлчилик хўжаликлари раҳбарларидан тортиб чўпон-чўлиқларгача ишлаб чиқарган маҳсулотларининг кейинги тақдири билан қизиқишмасди. Ёки меҳнат маҳсулларини қайта ишлаш уларга харидор топиш, сотиш каби ишлар ҳақида ўйлаб ҳам кўришмасди. Чунки совет иқтисоди «планли ривожланиши» шундай тизимга қурилган эди. Эндиликда бозор иқтисоди муносабатлари қарор топаётган шароитда бундай бўлмайди. Бозор иқтисоди шароитида давлат мулки эмас, жамоа, ширкат, хиссадорлик, хусусий мулкчилик таркиб топди. Яъни кўп укладли иқтисодиет таркиб топиб бораяпти. Бундай шароитларда эса тадбиркорлик, ташаббускорлик, аниқ ва пухта ҳисоб-китоб қилган кишигина ютиб чиқади. Мулкига мулк қўшилади, бири икки бўлаверади. Бировга оғирлигингни ташласанг кўтармайди, боқимандалик кетмайди. Бозор иқтисодиётининг бу азалий қонунига ростини айтганда, қўпгина хўжаликлар раҳбарлари, чўпон-чўлиқлари тўла қуниколган эмас. Эркин иқтисодий муносабатларга мослаша олмаяпти. Қандайдир довдирашлар бор. Натижада маҳсулотларни утказиш-сотиш муаммоси пайдо бўлди.

Қолаверса, қоракўлчилик азалий ишлаб чиқариш бўлгани билан унинг маҳсулотларини қайта ишлаб тайёр ёки ярим тайёр маҳсулот ҳолида чиқариш корхоналарни қуриш ўйлаб кўрилмаган. Айнан шундай корхоналарни хом ашё энг кўп ҳудудда жойлаштириш керак эди. Лекин бундай бўлмаган, яъни ўша ҳудуд хом ашё базалигича қолган. Тўғри, қўшни Бухоро вилоятида қоракўлчилик заводи бор. Аммо завод қоракўл терилар учун берастган ҳақ навоийлик чорвадорларни умуман қаноатлантирмаяпти. Гўшт топшириш учун ҳар қалай шароит бир мунча яхши. Навоийда гўшт комбинати ишлаб турибди. Бироқ қоракўлчиликда биргина гўшт ишлаб чиқариш асосий ролни ўйнамайди. Чунки бу тармоқда қоракўл тери ва қўй жуни асосий маҳсулот ҳисобланади. Қўйлардан қирқиб олинган жунни сотиш вилоят чорвадорларини кейинги йилларда анча қийнаб қўйди. Келес жун фабрикаси ҳар килограмм жунни ўртача 6—7 сумдан олган пайтлари бўлди.

Энди оддийгина иқтисодий таҳлилга утсак. Битта қўйдан йил давомида битта қўзи, жуда ошиб борса, 1,5 килограммгача жун олинади. Ҳар бир қоракўл тери ўртача 200 сум атрофида харид қилинса, жуннинг баҳоси ҳалигидай... Демак, чорвадор йил давомида қуйнинг орқасидан юриб, бор-йўғи ҳар бир қўйдан олган даромади 250—300 сум атрофида бўлади. Ем-емишга кетган харажатчи? Уттан йилнинг қурғоқчил келиши натижасида яйловларда ўт-ўлан яхши бўлмади. Натижада чорвадорлар Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва бошқа вилоятлардан ўз техникалари билан бориб хашак тайёрлаб, ташиб келтиришга мажбур бўлдилар. Юзлаб чақиримдан мол озуқаси тайёрлаш, уларни ташиб олиш учун қанчадан-қанча техника воситалари, ёқилғи-мойлаш материаллари, ишчи кучи, булар ҳаммаси ҳаражат устига ҳаражат. Ҳатто бу жониворларнинг ичган суви ҳам пул. Ҳудди шундай, Қоракўлчилик хўжаликларининг деярли барчаларида моллар қудуқлардан суғорилади ёки отарлар бошига машинада сув ташилади. Қудуқлардан сув чиқариш механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Улар эса бензин билан ишлатилади. Хуллас бу ҳаражатларнинг барчаси ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобидан қопланиши зарур. Бу ёғи маълум. Хўжаликлар қулоғигача қарзга ботган. Калта ип бойловга етмайди деганларидек аҳвол.

Хўш, нима қилмоқ лозим? Қанчалик қийинчилик бўлмасин, муаммолар ечимини топиш керак. Муаммолар ечими эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналарини барпо этишдир. Шундагина арзонгаровга кетаётган хом ашё тайёр маҳсулот ҳолида чиқарилади ва унинг таннархи қимматлашиб кетишининг олди олинади.

Вилоятда чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш қўшма корхоналарини барпо этиш учун чет эл сармояларини жалб этиш учун ҳаракатлар бўлаяпти. Қоракўл қўйларидан қирқиб олинган жунни қайта ишлаб, пальтобоп материаллар ишлаб чиқариш учун Туркиянинг «Тифоли» компанияси билан музокаралар бўлиб ўтди. Туркиялик ишбилармонлар Навоийга келиб кетишди. Қўшма корхона «Навоийэлектрокиме» заводи ва «Ентеран» ҳиссадорлик жамиятлари базасида ташкил этилади. Умуман жой тайёр. Уни бунёд этиш учун кетадиган маблағнинг 51 фоизини «Тифоли» қутарса, 49 фоизи вилоятдаги қоракўлчилик хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Лекин хўжаликларнинг иқтисодий аҳволи оғир. Қўшма корхонани ишга тушириб юбориш учун сарфланадиган 49 фоизлик улуш ҳам ўнлаб миллион АҚШ долларини ташкил этади. Уни қаердан топиш мумкин? Балки Навоий тоғметаллургия комбинати сингари иқтисодий томондан мустаҳкам булган корхоналар ёрдам қулини чузишар?!

Нуротада йилига 300 минг қўй терисини қайта ишлаш қувватига эга булган кун заводи қурилиши бошланган. Россиянинг «Калинка» фирмаси ва Зарафшон шаҳридаги чармкўн заводи ўртасидаги келишувга асосан йилига 100 минг дона қоракўл терини қайта ишлашдан тайёр маҳсулот тайёрлаштача буладиган жараёнларни амалга оширадиган қўшма корхона ташкил этиш мулжалланмоқда. Бундан ташқари грециялик ишбилармонлар билан ҳам узаро манфаатли шартномалар имзоланган.

Албатта булар мулжалдаги ишлар. Аммо мавжуд шароит иқтисодий манфатдорликни таъминлайдиган бундай ишларни тезроқ бошлаб юборишни тақозо этмоқда.

Хуллас, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари вужудга келтирилиши билан чорвадорларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволларини яхшилаш ва айни пайтда янги иш ўринларини очиш каби катта имкониятлар пайдо булади. Бу эса шубҳасиз қишин-ёзин яйлов кезиб чорвадорлик касбининг зоҳматини тотиб келаётган чўпон-чўлиқларнинг, уз меҳнатидан манфаатдорлигини таъминлайди. Бир сўз билан айтганда, ҳақиқий меҳнат қилган чорвадорнинг бирига икки қушилади. Республикамизда собиқдамлик билан давом эттирилаётган иқтисодий ислоҳотлар замирида ҳам шу нарса ётади.

Абдуҳаким ҲАСАНОВ.

Касаба уюшмаларида

ИШЧИЛАР ЭЪТИБОРДА

Бир қоп ун, бир килограмм чой ва ширинликлар... «Урганчтрансгаз» давлат корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси байрамларда бир ишчига шунча миқдордаги совға тарқатади.

- Маъмурият билан тузилган битимга бундан бошқа имтиёзларни ҳам киритганмиз, - дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси С.Худойберганова. - Бизда 3200 одам ишлайди. Ишчиларнинг тўй-томошаларида ҳам, азали кунларида ҳам моддий жиҳатдан ёрдам берамиз. Дам олиш оромгоҳлари, санаторий-профилакторийлар ишлаб турибди.

Ш.АҲМЕДОВ.

КЕНГАШ БЎЛИБ ЎТДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН. Яқинда Беруний тумани касаба уюшмалари қўмитаси мувофиқлаштириш кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Беруний тумани ва шаҳар ҳокимияти билан туман касаба уюшмалари мувофиқлаштириш кенгаши ўртасида тузилган 1996-1998 йилларга мўлжалланган шартнома қабул қилиш, мувофиқлаштириш кенгашининг асосий йўналишлари ва иш режаларини тасдиқлаш тўғрисида 1996 йил лойиҳа ҳаражатларини тасдиқлаш, ҳамда янги ташкил топаётган мувофиқлаштириш кенгашини маблағ билан таъминлаш масалалари кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, йиғилишда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Икром ХОЛМУРОДОВ

МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ЁРДАМГА МУҲТОЖ

Касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгаши раёсатининг навбатдаги йиғилишида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Яккабоғ туман қўмитасига қарашли маданият муассасаларининг фаолияти муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан касаба уюшмалари вилоят кенгаши раисининг муовини С.Мированинг маърузаси тингланди. Касаба уюшма ташкилотлари ихтиёридаги 3 та клуб, 3 та кутубхона, 5 та киноқурилма ва бадиий-ҳаваскорлик жамоаси туман меҳнаткашларига хизмат кўрсатмоқда. Кейинги пайтда маданият муассасаларининг моддий-техника базаси, молиявий аҳволи оғирлашиб бормоқда, ходимлари сони қисқартирилмоқда. Масалан, ўтган йил давомида маданий-оммавий ишларга 48 минг сўм сарфланган. Кутубхоналарга кейинги 4-5 йил давомида бironта ҳам янги китоб олинмаган. Пахта тозалаш заводи, «Турон»,»Яккабоғ» жамоаширкат хўжаликларида жойлашган мазкур кутубхоналарда 1995 йил давомида ҳеч қандай тадбирлар ўтказилмаган, иш режалари ҳам тузилмаган. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этилмаган. Киноқурилмалардан ҳам жуда қониқарсиз фойдаланилмоқда.

Раёсат йиғилишида Яккабоғ туман касаба уюшма ташкилотларининг меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиш борасидаги камчиликлар атрофлича кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, раёсат йиғилишида бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама этилди.

М.КЕНГБОЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР

Тошкент ГРЭСида 1995 йил жамоа шартномасининг якуни ва 1996 йил жамоа шартномасини белгилашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўтган йили жамоа шартномасини бажариш йўлида талай ишлар қилинди. Бир йил давомида ишчи-хизматчиларга корхона жамғармасидан салкам 85 минг сўмлик, касаба уюшмаси қўмитаси жамғармасидан 95 минг сўмликдан кўп моддий ёрдам кўрсатилди. Пенсияга чиққан 17 ходимга 47 минг сўмдан кўпроқ ёрдам пули берилди. Кўп меҳнат стажига эга бўлган илғор ходимларга берилган пул мукофотлари 900 минг сўмни ташкил этди. Меҳнат таътилига кетаётган ходимларга даволаниш учун 760 минг сўмдан кўп ёрдам кўрсатилди.

Ўтган йили меҳнат таътилига чиқаётган ишчи-хизматчилардан 1250 кишига 700 минг сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, нурхонада ишлаб пенсияга чиққан 102 кишига 110 минг сўмликка яқин пул ёрдами кўрсатилди.

1995 йилда меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга ҳам катта эътибор билан қаралди. Санаторийларда даволаниш учун 11 кишига йўлланма ажратилди. Жамоа аъзоларидан 139 кишига 12 кунлик, 256 кишига 2 кунлик дам олиш йўлланмалари берилди. Шунингдек, 14 нафар ишчи-хизматчи «Кумушкон» соғломлаштириш марказида, 28 киши «Ором» сайёҳлар дам олиш базасида ҳордиқ олдилар. 846 киши эса корхона санаторий-профилакторийсида соғлигини тиклашди. Нурхона ишчи-хизматчилари фарзандлари учун болаларни соғломлаштириш оромгоҳларига 11 та йўлланма бепул берилди.

Тошкент ГРЭСи касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Б. Юнусов ва корхона директори В. Ёдгоров ҳисоботларида юқоридаги факт ва рақамлар таъкидланди.

Шу куни 1996 йил учун жамоа шартномаси белгиланди. Унда таклиф ва мулоҳазалар билдирган нотиқларнинг фикрлари ҳисобга олинди. Ўтган йилги ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича имтиёзлар қолдирилган ҳолда уларга қўшимчалар киритилди.

Б. ПЎЛАТОВ,
Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудири.

Касаба уюшмалари ҳаёти

ҲАМЖИҲАТЛИК

«Ўзбекистон» металлургия комбинати ҳиссадорлик ишлаб чиқариш жамияти узининг эллик икки йиллик тарихида бундай қизғин ва амалий руҳда ўтган конференцияга камдан-кам гувоҳ бўлган бўлса ажаб эмас. Мажлисда муҳим масалалар тилга олинди. Корхона касаба уюшма қўмитасининг маъмуриятга олиб чиққан расмий баённомасида эса қуйидаги аниқ ва лўнда шартлар кўндаланг қўйилганди: 1. Меҳнаткашлар маошини ойда икки марта тўлаш; 2. Меҳнат таътилига чиқаётганларга маошни олдиндан олиб бериш; 3. Йил давомида касаллик таътилига чиқмаган ходимнинг меҳнат таътилига 3 кун қўшиб бериш.

Ўз олдига қўйилган бу шартларга маъмурият одатдагидек шошма-шошарлик билан «бажарамиз» деб жавоб бермади. Йил бошида касаба уюшма қўмитаси билан тузилган жамоа шартномаси ваъдабозликка йўл бермасди. Лекин шартларни бажармасликка ҳам маъмуриятнинг ҳақи йўқ эди. Мажлис ошкора ва демократик тарзда, ижтимоий шерикчилик руҳида ўтгани сабабли масалалар ҳар икки томоннинг манфаатлари мувофиқлаштирилган ҳолда ҳал қилинди. Ҳайтовур, узбекистонлик металлургларнинг жунбушга келган мажлиси адолат тантанаси туфайли сокин ва осойишта бир кайфиятда якунланди.

Гап шундаки, корхона маъмуриятининг касаба қўмитаси билан тузган жамоа шартномаси унинг «Иш берувчи» сифатидаги масъулиятини ошириди. Қолаверса, янгича — бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатиш томонларнинг узаро ҳамжиҳатлигини тақозо этади. Бундай ҳамжиҳатлик корхонада яратилаётган янги иш ўринлари билан ҳам ифодаланади. Айни вақтда 8358 ишчи-ходими мавжуд бўлган корхона, ҳар қандай усулларни жорий этиб бўлса-да, уз «оиласи»ни бутун ҳолича сақлаб қолишга ҳаракат қилиб келмоқда. 1995 иқтисодий ислоҳотлар йилида «иш берувчи» трубапайвандлаш цехининг 180 нафар ишчисини, иш билан таъминлай олмагани важидан, мажбурий меҳнат таътилига чиқариб юбориши лозим эди. Уйлаб кўрилса, мажбурий таътилга чиқиб кетган ходимнинг уз ишхонасига нисбатан ишонч ва ифтихори йўқолар экан. Қолаверса, ишчида янги иш ўрни топиш учун майл пайдо бўлади. Ҳиссадорлик ишлаб чиқариш жамияти ана шу «зарарли майл»нинг туғулишига йўл бермади — дам олишга чиқиб кетаётган цех ишчиларининг қарийб 90 нафарини шошилинч янги иш билан таъминлади. Ҳозирги кунда «бекорчиликдан қутулиб қолган»ларнинг фидокорона меҳнати эвазига корхонада футбол ўйини учун дарвоза, иситгич, газ тармоқлари учун айрикўйилмалар сингари кенг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда. Иш ҳажми камайиб кетган баъзи цехларнинг ўзида ҳам халқ истеъмоли молларини тайёрлаш кичик қуламларда ташкил этилаётир. Хусусан, корхона цехларида автомобиль учун домкрат, телевизор ўриндиги, антенна, ўроқ ва болғалар тайёрланмоқда.

1995 йилда аҳоли талаб ва таклифлари атрофлича ўрганиб чиқилиб, корхонада мих ишлаб чиқарадиган махсус цех очилди. Ўйлаймизки, мих тайёрлайдиган асбоб-жиҳозлар эрта-индин ишга тушса, у нафақат уз мулкдорига, балки давлатга ҳам йирик сармоялар келтириши табиий.

Корхонадан бўшаб кетиш масаласига келсак, бу салбий ҳолатдан фақат «иш берувчи»гина эмас, балки «иш бажарувчи»лар ҳам хавотирланиб турадилар. Чунончи, ўртача ойлик маоши 4222 сўм, баъзи цехларда 7 минг сўм бўлган даргоҳни ҳамма ҳам ташлаб кетавермаса керак, албатта. Ундан ташқари уз қимматли қоғозлари — акциясини чиқарганига ҳам бир йил тўлмай туриб, номинал нархи 100 сўмдан сотилган қимматбаҳо қоғозларга корхона бу йил 180 сўм қиймати дивиденд тўлаш учун тайёр турибди. Ўтган йилги ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича корхонада 350 минг тоннадан зиёд пулат қуйилган. Прокат миқдори 321 минг тоннадан ортди.

Йил якунида жами 660 миллион сўм соф фойда билан чиққан ҳиссадорлик жамиятининг рентабеллиги 28,5 фоизга етди. Юқоридаги рақамлар кўрсатиб турганидек, корхона бозор муносабатларининг шиддатлаётгани аён бўлади. Бинобарин, 1995 йил мобайнида 177 нафар ходим сабабсиз ишдан қолган бўлиб, бунинг натижасида 508 иш куни «йўқотилган». Сабабсиз ишга чиқмасликнинг иқтисодий зарарини тўла тасаввур этиш учун эса бир меҳнаткаш иш кунининг қиймати 1,25 минг сўмга тенг эканлигини эътироф этиш кифоя. Меҳнатга, иш жойига нисбатан бундай ҳурматсизлик бозор иқтисодиётида ёт унсурдир.

Дарвоқе, меҳнаткашларнинг маънавий қиёфаси ҳақида гапирилганда, хавфсизлик техникаси бўйича масъул ходимлар фаолиятига алоҳида тўхталиш жоиз. Иқтисодий инқироз, ходимларнинг аёвсиз қисқартирилиши натижасида корхоналардан техника хавфсизлиги бўйича кўпгина мутахассислар кетиб қолди. Бу эса жойларда бир қатор аянчли ҳодисалар юз беришига сабаб ҳам бўлди. Биргина «Ўзбекистон» металлургия комбинатининг ўзида ўтган йили 19 та бахтсиз ҳодиса юз бериб, улардан биттаси улим билан тугади. Шунинг учун ишни тўғри ташкил этиш, технология интизомини тартибга келтириш мақсадида кўплаб цехларда хавфсизлик техникаси бўйича штатли мутахассислар фаолият кўрсата бошлади. Март ойининг ўртасида уларнинг икки кунлик махсус ўқиши ҳам ташкил этилди. Меҳнат муҳофазаси бўйича амалга ошириладиган тадбирлар учун маъмурият ўтган йили 23093408 сўм, якка ҳимоя воситалари учун 26967700 сўм миқдорида маблағ ажратди. Қолаверса, комбинатнинг бўлимларида тузилган меҳнат муҳофазаси бўйича махсус комиссия техника хавфсизлиги бўйича фаолият кўрсатаётган мутахассислар ишчилар орасида тушунтириш ишларини кенг йўлга қўйдилар.

Маълумки, иш жойларида меҳнаткашларнинг биринчи галдаги ҳомийси, яқин ҳимоячиси касаба уюшма қўмитаси ҳисобланади. Ишчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлашда қўмита катта ишларни амалга ошириб келаётир. Ундан ташқари комбинат меҳнаткашларига «Қулбуйи» ва «Металлург» боғ майдонларини ободонлаштириш учун ўртоқчилик сифатида кўмак бериб келинмоқда. Хусусан, «Металлург» боғ майдонининг ер ижараси учун комбинат 210 минг сўмлик маблағни ўрмон хўжалигига утказиб берди. Комбинат ўз ишчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида кунига бир киши учун 20 сўмдан овқат пули бераётир.

Бозор муносабатлари асосида фаолият кўрсатаётган корхонаташкилотларда ижтимоий соҳа ҳар жиҳатдан ҳам устунроқ, эътиборлироқ бўлиши табиий. Қолаверса, янгича иқтисодиётга кириб бораётган мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя устивор йўналишлардан бирига айланишига юртбошимизнинг ўзи шахсан ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ишчи билан маъмурият орасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришда эса касаба уюшмаларининг «иш берувчи» билан биргаликда тузган жамоа шартномаси муҳим аҳамиятга эга. Унда ҳар икки томонларнинг манфаат ва бурчлари, маънавий қиёфалари очиқ намоён бўлиб туради.

«Узбекистон» металлургия комбинати касаба уюшма қўмитасининг ҳамжиҳатликдаги фаолияти бу муносабатларни мувофиқлаштиришга хизмат қилаётгани кишини қувонтиради.

Н. АЛИМОВ,
«ИШОНЧ» мухбири.

«Саноаталоқа» ҳиссадорлик жамияти бригада» бошлиги Яков Михайлович Коган мана 34 йилдирки корхонада самарали меҳнат қилиб келмоқда. Ўтган йили илғор бригада бошлиги корхона касаба уюшма қўмитаси раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Суратда: Я.М.Коган «Ўзбекистон Республикаси меҳнат тўғрисида»ги қонунини ишчиларга етказишга тайёргарлик кўрмоқда.

Р.ГАЛИЕВ сурати

Лариса Николаевна Иванова Марокан-Учқудуқ марказий диспетчерлик пунктида ишлайди. Салкам 30 йилдан бери диспетчерлик қилиб келаётган Л.Н.Иванова энг тажрибали ходимлардан саналади. Республикада хизмат кўрсатган темирйўлчи унвонига сазовор бўлган диспетчер поездларни манзилига ўз вақтида етиб боришига улиш қўшмоқда.

Суратда:диспетчер Л.Н. Иванова.

Н .МУҲАММАДЖОНОВ сурати.

Мулоҳаза

ГАПДАН ГАПНИНГ ФАРҚИ БОР!

Ёки ислоҳотнинг маънавий қирралари ҳақида

Одатда, инқилобий ўзгаришлар, турли жабҳадаги ислоҳотлар ўзидан сўнг ҳам салбий ижобий асорат қолдиради. Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич кириб бораётган республикамиз аҳолисининг руҳиятида ишчанлик, уддабуронлик, қилни қирқ ёриш хусусиятлари шаклланиб бораётир. Жаҳон иқтисодиёт, сиёсат, маданият дарвозалари кенг очилиб турган ҳозирги даврда узбекистонликларнинг онгида катта бурилишлар бўлмоқда. Тан олиш керакки, хусусийлаштиришнинг биринчи босқичи муваффақият билан ўтди. Хориж сармоясини маҳаллий ишлаб чиқаришга жалб қилиш, экспорт-импорт улушларини қўпайтириш борасидаги вазифалар самара билан амалга оширилаётган бир пайтда ислоҳотларнинг бош ҳаракатга келтирувчилари — ишбилармонларнинг маънавий қиёфаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, мамлакат ҳар қанча гуллаб-яшнамасин, у маънавий жиҳатдан баркамол бўлмаса, дунё ҳамжамиятида ўз нуфузига эга бўлолмайди.

Маълумки, америкалик фуқаро «Биз-Америка» деган иборанинг мазмида «Мен-Америка» деган маъно ётганини жуда яхши англайди. Хусусан, Қушма Штатлар Президенти Билл Клинтон Москва сафарида бўлганида «сиз Россия Президенти бўлишни хоҳлармидингиз?» деб сўрашади. Шунда Клинтон «Менга ўз ишим ёқади, шунинг учун ҳам мен америкаликман» деб жавоб қайтарган эди. Эътибор берилса, мамлакат раҳбарининг қисқагина жавобида унинг, қолаверса, бутун Американинг маънавий қиёфаси мужассамдир.

Туркияда ҳар бир танишув маросимидан сўнг «Мамлакатимиз сизга ёқдими!» деб сўраншади. Савол оҳангидан нафақат меҳмоннинг Туркия ҳақидаги таассуротларини билиб олиш истаги, балки ўз мамлакатининг ютуқларидан фахрланаётган ватанпарварни сезиш мумкин. Бу саволни берган ҳар қандай туркиялик ўз мамлакати билан фахрланаётганини намоён этади.

Таъкидлаб ўтганларимиз бир қарашда ислоҳотнинг бугунги кундалик вазифаларига алоқаси йўқдек кўринса-да, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, тармоқ ва минтақа иқтисодиётини тузилишини янгилаш, жаҳон бозорига чиқиш жараёнларида муҳим аҳамияга эгадир.

Бозор муносабатлари савдо ва тижорат тизимида маънавий ислоҳотларни амалга оширишни тақозо этаётир. Хусусан, савдо шоҳобчаларида муомала маданиятига «танқислик» сезилаяпти. Харидор кўнглини топиш, унга рисоладагидек хизмат кўрсатиш дунё тажрибасида унумли самаралар берган. Сотувчи ва харидор ўртасидаги самимийлик, хушмуомалалик кўпгина муваффақиятлар гарови эканлигини унутмаслигимиз лозим. Муомала маданияти, юқори савиядаги иш услубини йўлга қўйиш ҳақида гапирилганида давлат автоинспекция назорати ходимларининг фаолиятига тўхтаб ўтиш жоиз. Гап шундаки, бу соҳа кишилари автомобиль ҳайдовчиларини ёки оддий пиёдаларни тартибга чақиришса, ҳам, одамлар улардан норози булаверади. Бизнингча, ана шу муносабатларни қатъий тартиблар асосида қуриб чиқиш, маъмурий қонунбузарга тушунтириш ишини олиб бориш, жарима ундириш жараёнлари пухта қонунлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Шуни унутмаслик керакки, ДАН ходими жамоатчилик ва ўз хизмат бурчи олдидагина масъулиятли эмас, балки у ижтимоий аҳлоқни шакллантирувчи куч ҳамдир. Шу маънода унинг зиммасига юкланадиган вазифалар салмоқли ҳисобланади.

Маълумки, тиббиёт кишини нафақат жисмоний-руҳий, балки маънавий тарбиялаши ҳам мумкин. Замонавий дунё тиббиёт ходимларидан ҳам кўпгина хусусиятларни талаб этади. Авралломбор улар ўз қасамёдларига содиқ қолишни унутмасликлари лозим. Қолаверса, энг сўнгги русумдаги тиббиёт ускуналарида фойдалана билишлик, беморлар дардига малҳам бўлишлик, ортиқча қоғозбозликдан воз кечишлик тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг бош омили бўлиб қолмоғи зарур.

Ислоҳотлар ўз моҳият жиҳати билан ниҳоятда катта жараёндир. Биз жаҳон ҳамжамиятига, тараққий этган дунёга кириб бормоқдамиз. Ана шу бурилишлар даврида ўз маънавий қиёфамизни йўқотиб қўймаслигимиз, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашимиз ўта муҳим масалалардан ҳисобланади. Зеро, ислоҳотлар даврида биз Ғарбга ёки Қушма Штатларга батамом тақлид қиладиган бўлсак, жуда катта хато булади.

Э. МАҲМУДОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Ишлаб чиқариш ва бизнес» кафедраси мудири,
Х. ҲАКИМОВ,
шу университет «Иқтисодий назария» кафедраси ўқитувчиси.

1996 йил—Амир Темур йили

СОҲИБҚИРОН ФАРМОНИ

Самарқанд шаҳридаги «Обимаҳшад» маҳалласи Амир Темурнинг Фармонига биноан Шоҳи Зинда мақбараси ёнида бунёд этилган. Мақбара ва қабристон ҳудудини озода сақлаш ва ободонлаштириш ишлари ушандаёқ ушбу маҳалла аҳли зиммасига юклатилган.

Мана неча асрлар ўтган бўлса ҳам маҳалла аҳли Олий Фармонни унутган эмас. Мақбарани ҳамда Муҳаммад пайғамбар авлодидан бўлмиш Қусам ибн Аббос, туб жой аҳоли аждодлари ётган қабристонни кўз қорачиғидай асраб келишади. Ҳар йили Наврўз байрами ва бошқа маросимларда бу муқаддас зиёратгоҳларнинг ҳудудлари ҳашар йули билан тозаланади ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан маҳаллада ўтказилган тадбирларнинг бирида тарихий Олий Фармон эсланди. Самарқандлик таниқли ҳайкалтарош Худойберди Ҳақбердиев ўз санъат асари - буюк жаҳонгирнинг от миниб турган ҳолати тасвирланган ихчам ҳайкалини маҳаллага тақдим этди.

А.МУРТОЗОЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ИҚТИСОДИЙ ЛУҒАТ

РАҚОБАТ — кенг мазмунга эга бўлиб, айрим шахслар, гуруҳлар, ўртасида моддий-иқтисодий, маънавий манфаатларнинг тўқнашиш жараёнига айтилади. Агар манфаатлар тўқнашмаса, рақобат бўлмайди. Рақобатни ўрганганда уни моддий-иқтисодий, маънавий қисмларга бўлиб ўрганилади. Иқтисодий манфаатлар товар ва хизматларни қулай шароитда ишлаб чиқарувчига танҳо ҳукмронликни таъминлаб, ўзаро беллашув учун шароит қолдирмайди. Рақобат демонополизацияни талаб қилади, ўзаро беллашадиган кўпгина корхонлар бўлишини тақозо этади. Рақобатнинг асосий соҳаси бозор бўлиб, у нафақат сотувчилар, балки харидорлар ўртасида ҳам юз беради. Корхоналар керакли восита, хом ашё сотиб олиш, ишчи кучини ёллашда ҳам курашадилар. Уз миқёсига қараб рақобат икки турга бўлинади. Биринчи турга товар ишлаб чиқарувчи корхонлар рақобати кирса, иккинчисига тармоқдаги корхонлар кураши киради. Рақобат жараёни ҳам икки усулда, яъни нархни ўзгартирган ёки ўзгартирмаган ҳолда бўлади. Кураш йўлини танлаш жиҳатдан ҳам у ҳалол ва ғирром рақобатга бўлинади. Ҳалол рақобат бозордаги курашда қабул қилинган, ҳаммага мақбул усулларга, бозор ахлоқи меъёрларига асосланади. Ғирром рақобатга таъқиқланган ва қораланган усуллар, яъни рақобатда қаллоблик, қўзбўямачилик, сўзида турмаслик, алдаш, иқтисодий жосуслик, қўпорувчилик ва ҳатто жисмоний зўравонлик каби жиноятқорона усуллар қўлланади. Бинобарин, бозор иқтисодиёти ҳалол рақобатни тан олади.

ДЕКЛАРАЦИЯ - унинг уч тури мавжуд. 1/ Бож декларациясида чет элга олиб чиқиладиган товар ва пулларнинг ҳажми, суммаси, тури аниқ кўрсатиладиган ҳужжат. 2/ Почта декларацияси почта ҳужжати ҳисобланиб, унда почта орқали юборилаётган қимматли нарса-буюмларнинг номи, нархи аниқ кўрсатилади. 3/ Солиқ декларациясида солиқ тўловчининг ёки солиқ тўланиши керак бўлган буюмнинг ҳажми (суммаси) кўрсатилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Афғонистонга инсонпарварлик ёрдам Дастурининг мувофиқлаштирувчиси Мартин Барбер Тошкентга ташрифи чоғида республикамизнинг расмий доиралари билан учрашди. Учрашувда БМТ вакили мамлакатимизнинг сиёсий шарҳловчилари, журналистларига Дастур фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берди.

Бу йилги қиш Қобулда қаттиқ келганлиги, қолаверса, шаҳарга олиб кирувчи йўлларининг вақтивақти билан ёпилиб туриши натижасида озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи мисли кўрилмаган даражада қимматлашиб кетди. Хайриятки, БМТнинг махсус идоралари, Қизил хоч жамияти ва бошқа нодавлат ташкилотларининг инсонпарварлик руҳида амалга оширган ишлари вазиятни мувофиқлаштиришга хизмат қилди. Яъни, Қобулда истиқомат қилаётган 300000 қашшоқ, оч-юпун аҳоли қишдан

ОЛИЖАНОБ КУЧЛАР ҲАРАКАТИ

омон-эсон чиқиб олишга эришди.

Шунга қарамай, шаҳарнинг жанубида ҳарбий жараён ҳанузгача давом этиб, аҳоли яшайдиган ҳудудларга ракеталар ёғдирилмоқда. Ер остида беҳосдан портлаётган миналар юзлаб кишиларнинг ёстиғини қуритаётгани, айниқса, ачинарлидир. БМТнинг идораси 3000га яқин афғонистонликни мина қидирув ишига жалб этди. Бу кунгача 80 квадрат километрлик майдон душманнинг «хуфя қуроли»дан тозаланди.

Афғонистонга инсонпарварлик ёрдам Дастурининг мувофиқлаштирувчиси М. Барбернинг таъкидлашича, уруш алангасида ёнаётган мамлакатни ташлаб кетган қочоқларнинг ўз Ватанига қайтиб келиши учун БМТ транспорт, озиқ-овқат ва тиббиёт соҳаларида яқиндан ёрдам кўрсатаётир. Хайрия маҳсулотларини Афғонистон ичкарисига олиб киришда Узбекистон чегарасидан ҳам унумли фойдаланилаётгани алоҳида таҳсинга сазовордир. Зеро, БМТнинг Афғонистондаги қочоқлар бўйича Олий комиссарлиги миссиясининг раҳбари Темур Раҳмон инсонпарварлик Дастурини амалга оширишда Термиз-Афғонистон чегараси энг осойишта ва ишончли нуқталардан эканлигини ҳам эслатиб ўтди.

Жаҳон ҳамжамияти, халқаро ташкилотлар ва эндигина ривожланиш босқичига ўтган бир қатор мамлакатлар ўзаро урушлардан азият чеккан оддий халққа имкон борича ёрдам қўлини чўзиб келмоқдалар. Бундай олижаноблик эса афғон хонадонларида тинчлик қарор топиб, ҳаёт чечаги гул очиши учун ёрдам беради.

«Ишонч» мухбири.

Муаммо, мулоҳаза, таклиф

«ОЛМА ПИШ»...

ёки республика кимё саноатининг имкониятлари ҳақида

Халқ хўжалигининг бирон бир соҳаси йўқки, унга кимё ютуқлари кириб бормаган бўлсин. Бугунги кунда мустақил республикамизда йигирмадан ортиқ йирик кимё корхоналари, юзлаб кичик ва қўшма корхоналар халқ хўжалиги ва рўзғор учун зарур бўлган маҳсулотларни етказиб бермоқда. Чирчиқдаги «Электркимёсаноат»,»Навоийазот», Олмиқдаги «Аммофос», Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмалари маҳсулотларига нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам талаб катта.

Республикаиз кимё корхоналари учун зарур хом-ашёлар, эҳтиёт қисмлар, ускуналар асосан Россия, Украина, Белоруссия каби собиқ иттифоқдош республикалардан келтирилганлиги учун СССР парчаланган таъминот кескин қийинлашди. Натижада айрим корхоналар ярим қувват билан ишлашга ўтди, айримлари эса бошқа соҳага мослашишга мажбур бўлди.

Энди тарих орқага қайтмайди. Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти шароитида ўзимизни ўзимиз таъминламасак, бирон бизга ҳеч нарсани қўш қўллаб олиб келиб бермайди. Йўл битта- республикамиз кимё корхоналари тўла қувват билан ишлаши учун, чет эл маҳсулотларига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун маҳаллий хом ашёдан кенг фойдаланишимиз керак. Бунинг учун янги корхоналар қўриш шарт эмас. Кимё корхоналаридаги мавжуд қурилмалардан фойдаланган ҳолда маҳаллий хом ашёлар асосида хилма хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин.

Тошкент кимё-технология институти олимлари «Навоийазот» ва «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмалари мутахассислари, техникалари, ишчилари билан ҳамкорликда саноат чиқиндилари ва маҳаллий хом ашёлар асосида халқ хўжалиги учун зарур бўлган, лекин шу кунгача бошқа минтақалардан олиб келинган бир қатор маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи технологияни яратди. Бу технология ҳозир ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Маълумки, резина саноатида энг қимматли хом ашё ҳисобланади. Ундан ўнлаб хил техника маҳсулотлари, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш мумкин. «Узбекрезинатехника», «Тошкенткабель» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Тошкент резина-техника заводи ва уларга турдош бўлган корхоналар учун резина энг зарур хом ашё ҳисобланади. Афсўски, шу кунгача бу хом ашё катта харажатлар эвазига четдан ташиб келтирилмоқда. Шу боисдан ҳам тайёрланган маҳсулотлар ниҳоятда қимматга тушаяпти.

Республикамиздаги резина-техника корхоналари тўла қувват билан ишлаши учун четдан йилига 10 минг тоннадан ортиқ каучук, яна шунча миқдорда техник углерод, яъни қурум ташиб келиш талаб этилади. Ваҳоланки, бу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш бемалол мумкин экан.

Республикамизда табиий газ асосида ацетилен ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. «Навоийазот» бирлашмасида йилига 30 минг тонна ацетилен ишлаб чиқариш қуватига эга бўлган қурилмалар мавжуд. Ацетиленни ишлаб чиқариш жараёнида катта миқдордаги техник углерод хосил бўлади. Лекин у охирги йилларгача сув билан аралаштириб чиқинди сифатида биокимевий тозалаш иншоотларига ташлаб юборилар эди. Буни қарангки, институтимиз олимлари кимё корхоналари мутахассислари билан ҳамкорликда ацетилендан чиқадиган техник углеродни ажратиб олиш ва қайта ишлаш технологиясини яратдилар. Ўтган йили бу технологияни жорий этиш билан боғлиқ нормативтехник ҳужжатлар тайёрланди. Охир-оқибатда «Электркимёсаноат» бирлашмаси цехларидаги қурилмалардан фойдаланган ҳолда 15 тоннадан ортиқ тоза техник углерод ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди. Ундан калиш ишлаб чиқаришда фойдаланилди. «Носб топилма»-эндиликда четдан олиб келинаётган П803, П701 маркали техник углерод ўрнини бемалол босаяпти. Кейинчалик йилига 150-200 тонна техник углерод ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Агар мавжуд чиқиндилар тўла қайта ишланса республикамиз резина-техника корхоналарининг техник углерода бўлган эҳтиёжи эллик фоизга қондирилган бўлур эди.

«Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида эса маҳаллий хом ашё ва саноат чиқиндилари асосида каучукка алоқадор янги, юқори хусусиятларга эга бўлган бирикмалар ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўйдик. Бу бирикмалар каучукнинг вулканланишини тезлаштирувчи камтакс ва альтакс бирикмалари ўрнини босаяпти.

Олимларимиз яна бир муаммони ҳал этиш йўлида тинмай изланмоқдалар. Маълумки, коррозия (занг) металлнинг қупландаси ҳисобланади. Коррозия туфайли дунё бўйича ҳар йили қора металлнинг учдан бир қисми яроқсиз ҳолга келмоқда. Газ, газ конденсати, нефть қазиб олиш, уларни бир жойдан иккинчи жойга узатишда водород сульфид газ қувурлари ва ўрилмаларини кучли коррозиянга учратади. Металларни занглашдан сақлашда жуда кўп усуллар бор. Лекин улар орасида ингибитор иштирокида коррозиядан сақлаш энг қулай, арзон ва самарали усул ҳисобланади. Республикамиз нефть ва газ саноати учун йилига минг тоннадан ортиқ водород сульфидли коррозия ингибатори зарур. Ҳозиргача бу ингибиторлар четдан келтирилмоқда.

Изланишлар давомида «Навоийазот» бирлашмасининг чиқиндиси бўлган кротон альдегид ва аммиак асосида хлорид кислота ва водород сульфидли мухитларда металларни коррозиядан ҳимоя қиладиган янги, юқори самарали ингибитор олиш технологиясини яратдик. Уни ишлаб чиқариш билан боғлиқ илмий-техникавий ҳужжатлар тайёрланди ва шу корхонада синаб кўрилди. Бу йил дастлабки ингибиторни ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Саноат чиқиндиларини зарарсизлантириш, улар орасидан керакли моддаларни ажратиб олиш ва қайта ишлаб, фойдаланиш бир томондан маблағларни тежаш имконини берса, иккинчи томондан атроф-муҳитнинг турли зарарли кимевий бирикмалардан ифлосланишининг олдини олади. Бу йўналишда олимларимизнинг «Навоийазот» бирлашмаси мутахассислари билан ҳамкорликда олиб бораётган тадқиқот ишлари қулами тобора кенгаймоқда. Натижада сивуш мойлари деб аталувчи чиқиндилардан этилацетат ва амилацетат ишлаб чиқариш технологияси йўлга қўйилган. Бу маҳсулотлар резинатехника, лакбўёк, мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар учун гоят зарурдир. Ҳозир уларнинг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжи 2 минг тоннани ташкил этади.

Олдимизда турган вазифалардан бири шуки, табиий газ, газ конденсати, нефть ва бошқа хил маҳаллий хом ашёлар асосида юқори молекулали бирикмалар - пластик моддалар, каучук, резина каби маҳсулотлар яратишдир. Чунки полимер бирикмалари шу кунгача четдан ташиб келтирилмоқда. Ўйлаймизки, уларни кимё корхоналаридаги мавжуд қурилмалар ердамида ишлаб чиқариш мумкин. Бугунги кунда навоийлик кимёгарлар билан—шу муаммо устида иш олиб бораяпмиз.

Республикада ер ости ва ер усти бойликлари беқиёс. Уларни қайта ишлаш қанчалик тез йўлга қўйилса шунча яхши. Бунинг учун малакали кадрларга эҳтиёж сезилиши табиий. Агар йирик кимё корхоналаримиз қошида илмий-муҳандислик марказлари ташкил этилса фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш тезлашарди. Бундай марказлар ривожланган давлатларда фаолият юритиш билан бирга иқтисодиётда ҳам катта фойда келтирмоқда.

Ўзбекистон

1996 йил - Амир Темур йили

«ҲУКМИ ОЛИЙ БИТИЛДИ...»

Амир Темур жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган буюк сиймолардан биридир. Бу табаррук зотнинг айниқса Ўрта Осиё халқлари тақдирида тутган ўрни, мустақиллик учун курашдаги хизматлари беқиёс. Марказлашган давлат барпо этиш, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш, халқларни бир-бирига яқинлаштириш соҳасидаги кўп қиррали фаолияти илмий жиҳатдан чуқур ўрганишга лойиқ. Уша даврга оид манбаларни синчиклаб ўрганиш, Соҳибқирон шахси ва ҳаётига боғлиқ ҳар бир факт ҳужжатга катта эътибор билан ёндашиш, уларни кенг тадқиқ этиш олимларимиз олдида турган долзарб вазифалардандир.

Биз ушбу мақолада ўқувчилар диққатини кўпчиликка маълум воқеалар тафсилотига эмас, балки улуг бобокалонимиз фармойишига мувофиқ битилган ва ул зотнинг муборак номи билан муҳрланган муҳим ҳужжат - Ўрта Осиёдаги Абу Муслим авлодлари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган махсус Ёрлиққа жалб этмоқчимиз. У ҳозир Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланади. Сиртдан қараганда, ушбу Ёрлиқда ўз аксини топган масалалар ўша даврдаги мураккаб тарихий воқеалар дарёсида оддий бир томчига ўхшайди. Аммо қатрада қуёш акс этганидек ана шу «кичик» ҳужжатда Соҳибқиронинг Туронзаминда донолик билан жорий этган тартиб - қоидалари ва олиб борган зукко сиёсатининг кўп қирралари ўз ифодасини топган. Бинобарин, у муҳим тарихий манба сифатида катта аҳамият касб этади. Қолаверса бу ҳужжат асл нусха бўлиб, бизгача етиб келган ана шу мазмундаги ёрлиқлар ичида энг нодиридир. Ёрлиқ мазмуни Самарқанд қоғозига туркий тилда чиройлик настаълиқ хати билан битилган. Унинг ҳажми бир варақ 11 сатрдан иборат. Вақт ўтиши билан қоғоз анча ўринган, шу туфайли айрим сўзларни ўқиш мушкул.

«Ёрлиқ»нинг ўнг томонида бодом шаклидаги муҳр босилган. Урта қисмида йирик ҳарфлар билан «Амир Темур Тарағай» деб ёзилган. Муҳрнинг ҳошиясида майда ҳарфларда битилган ва ўқилиши қийин Қуръон оятлари келтирилганлиги тахмин қилинади. «Ёрлиқ» тўлигинча шоҳи матога ёпиштирилган ҳолда таъмирланган.

Амир Темурнинг муҳри босилган ва бевосита унинг номидан фикр юритилган ушбу Ёрлиқ мазмуни қуйидагича:

«Абу-у-музаффар ва-л-мансур Амир Темур Муҳаммад Баҳодирхон сўзим!

Ҳукми ҳумаюни жаҳонпаноҳий бўлдиким, қадим ул-айёмдин ило ҳо-за-л-ҳангом таъзим ва тавқирни авлоди Сайиди коинот, хулоса ва зубдаи мавжудот аҳли ҳукумат-подшоҳларга ва соири аҳли Исломга вожиб ва лозим эрди, бу важҳдин ҳукмоми зу-л-эҳтироми мо тақаддумларки авлоди Абу Муслимни жамиъи таколифотдин сиво ва марфуъ ул-қалам қилиб, нишони муборакларини берган эрконлар. Биз ҳам бадастури собиқ бу авлодни алтофи хисравона бирла сарафроз ва мархамат қилдук ким: ончи амалдорларки, мисли иноқлар ва атолиқлар ва тўқсовуллар ва жигдовуллар ва удайчи ва элчилар ва йўлчилар ва қўшчилар ва тамоми олигдор ва жамиъ таҳсилдорлар ва соҳибдахлларки дор-ус-салтанайи вилояти Хоразмда ҳаволагардурлар, мисли аҳо ва арбоб ва ғайриҳум, бу иноятнома-Ёрлиқ аларга манзур бўлгон, камо ҳаққиҳу бу авлодларнинг бавожиби иззат ва икромларини баржо келтуруб оларга ҳеч важҳдин сабаби тасдиъ ва озор (бермасунлар?). Бу жамоа... ала-л-хусус аҳли қазо ва муҳтасиб никоҳона ва муҳтасибона талаб қилмасунлар, аларнинг ўзларидан аҳли салоҳлари қози бўлиб, таблиги ҳукком ва қози қилсунлар, офаридалардин бозорда ва йўлда харжу бож талаб қилмасунлар, токи лаънатларга гирифтор бўлмагойлар деб, ҳукми олий битилди - 780 (1378-1379)».*

Ушбу Ёрлиқ бошқа юзлаб тарихий ҳужжатлар каби Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондига келиб тушгунига қадар узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтган. Дастлаб бу ҳақда «Туркистанские ведомости» рўзномасининг 1910 йил 12 ноябрдаги сонида маълумот берилган эди. Археология тўғрагининг (Тошкентда инқилобгача фаолият кўрсатган илмий-оммавий тўгарак бўлиб, унга рус шарқшунослари, мустамлака тўпиш ҳаёти билан қизиқувчилар ва миссионерлар аъзо эдилар) навбатдаги мажлисга бағишланган хабарда шарқшунос Н.Остроумовнинг маърузаси тингланганлиги ва у ўз нутқида Амир Темур даврига оид янги топилган бир ҳужжат ҳақида тўхталиб ўтганлиги қиқоя қилинади. Газета маълумотига қараганда, бу ҳужжат Соҳибқирон томонидан 1378 йилда Хоразмдаги Дархон ота мавзеида истиқомат қилувчи Абу Муслим авлодларига берилган имтиёзларга оид ёрлиқдир. У Туркистон генерал-губернатори номидан Хива ҳонлигига хизмат сафарига юборилган генерал Калмиковга хон томонидан тортиқ этилган бўлиб, уни генерал ўз навбатида шарқшунос Н.Остроумовга келтириб берган.

«Туркестанские ведомости» газетасининг 1910 йил 13 ноябрдаги сонида Н.Остроумов ушбу ҳужжатнинг русча таржимасини ва унга ўзининг айрим шарҳларини эълон қилади. Шарҳларда у ғўё Амир Темур Хоразмга томон юриш ниятини ошкора эмас, балки ғаддорлик ва ёвузлик билан амалга оширган, деган ғоя ўтмишдаги воқеаларнинг ҳаққоний баҳосини бермаган, Соҳибқирон ва унинг давлатини ҳақиқатдан ҳам ёвузлик ва ғаддорлик ифодасидек кўрсатмоқчи бўл

Фельетон ўрнида

ТУЛЛАК

«Баланд мартабага минса паст киши,
Фалак ақл бермас, пастлик қилмиши».
Мирзо Бедил

Холмуҳаммад дароз чув тушган қиморбоздек тумтайиб утирарди, ток зангига ўхшаш қорамтир, ғадир-будир афти бироз туманланганди. Эшик гийқ этти, тандирдан нон узаётган келинойидек бети қип-қизил, қўхликкина жувон кўринди.

— Йуқлатган экансиз.

— Ҳа! Ҳимм, хўш, қани, Ҳафизахон, утиринг-чи! — Кўкмак кўзлар кунгайдаги кўзгу кукуни янглиг йилт-йилт этти, газак олган яра сингари буртиқ қабоқлар сузма халтадек осилди, қуса соқолини эслатувчи яккам-дуккам қошлар уришаётган хўрознинг буйин патлари каби ҳурпайди, дўрдоқ лаблар пир-пир уча бошлади. — Хўш, ҳимм, биласизми, гапнинг лўндасини айтсам, кейинги пайтларда-чи, нимагадир жуда талтайиб кеттингиз, ҳимм, жуда? Очиги, қилиқ чиқаряпсиз, ҳимм, галати-галати қилиқ! Э, гижинманг, ўзингизни босинг! Хўш, бу ерда иш бошқарувчи сизми ёки мен!! Чамамда идорамиз об-ҳавоси сизга утиринқирамаяпти. Яхшиси, ҳимм, ариза ёзинг. Майли, аёллигингиз ҳурмати, ҳозироқ қўйиб бера қолай. Хўш, ҳиммм, мана қоғоз, мана ручка!

— И-е, ҳе йўқ-бе йўқ, косов олиб қувгандек қилишингиз сабаби нима?

— Сабаби нимаймиш!! — Ҳолмуҳаммаднинг гўштдор жуссаси гоҳ у ёнбошига, гоҳ у ёнбошига бешиктебрат калласидек бориб келабошлади. — Вей, билмасангиз, ҳимм, билиб қўйинг, сабаби — арпа унлигингиз, биз билан қоришолмаётганингиз!!!

— И-е, ўзингизми, иситмангиз йўқми мабодо?!

— Ана холос! Ҳали жинни ҳам дерсиз!!

— Астағфирилло! — Ҳафиза ҳайратдан ёқасини тутамлади. — Ёрилмаган чипқонлик қилманг, нима гап ўзи, тушунолмаяпман?!

— Ҳимм,тушунолмаяпман денг-а! Хўш, ҳимм, прокурорга арз қилмадим ҳам дерсиз.

— Э-ҳа, калаванинг учи, мана, энди топилди. Бўлдим, иш юзасидан прокурор ҳузурида бўлдим.

— Ана, ҳимм, ҳайрият ҳақиқатга қўчдингиз. Тушунарли, буёғи тушунарли! Хўш, ҳимм, қани, бўлақолинг, аризангизни ёзақолинг тезроқ!

Ҳафиза аввалига саросималанди. Лекин чурқ этмади. Чоғи бир-икки дақиқалик сукунатдан сўнг чақалоғини эркалаб эмизаётгандек майин бир кулимсиради-да, ручкани қўлга олди, ёзишга тутинди:

«Туман табиатни муҳофаза қилиш раиси Ҳолмуҳаммад Норҳолиқ ўғлига эпидемиолог Ҳафиза Раҳимшо қизидан

АРИЗА

Ҳаммага, шужумладан, сизга аён, 8 гектарли шахсий мулк эгаси Амрифармон Нусратов жами ерига нуқул чиннигул экади. Негаки, даромади зўр. Қачон қурманг, касал тушса керак, гулхонасига тракторда дори пуркаттиради, ўта заҳарли дори. Ҳидидан дод демаган одам йўқ. Ахир, атрофи зич хонадон. Бундан ташқари, мактаб, болалар боғчаси. Қуплар маҳалла оқсоқолига юзланишибди, садо чиқмабди. Охири сизга юзланишди. Сиз коптиков қилиш учун, тезликда зарур чора кўриш учун мени йўлладингиз. Мен азият чекканлар иштироки билан бир ҳафта давомида аниқлов утказдим. Пировардида айбнома тузилди, имзолар чекилди. Уни, вазифам, сизга топширдим. Эсингиздами, ўқидингизу, ў-ҳў, бунга тоқат қилиб бўлмайди, бу ишни прокурорга оширамиз дедингиз.

Мана, орадан олти ой утти. Ҳамон жимжитлик. Жабрдийдалар ҳар икки куннинг бирида ёғилиб турган заҳардан ҳамон азиятда. Натижада нима бўлди, деб менга ҳиқиллашади. Мен сизга ҳиқиллайман. Сиз, аллақачон прокурорга оширилган, дейсиз. Бошим қотганидан, на илож, куни кеча прокурорнинг ўзига учрашдим, бор гапни тўкиб солдим. Анграйиб қолди, елкасини қисганича мениг олдимда сизга сим қоқди. Эшиттанингиз қулоғингиздадир-а!

Равшан бўлдики, бу иш устидан андава тортгансиз. Андава тортмаганингизда шу пайттача пилдир-пис бўлиб етмасийди. Ҳа, гулхона эгасининг пули қоп-қоп, ишкалини ёп-ёп қилишга кучи етади! Сизга ҳам етибди.

Ҳечқиси йўқ, ойнинг ўн беши қороғи бўлса, ўн беши ёруғ, айбноманинг иккинчи нусхаси ўзимда, учинчи нусхаси ҳали ҳам биздан нажот кутаётган ўша жабрдийдаларда. Бас, жон ҳиқилдоққа келди, тегишли жойга эндм ўзим чиқаман, жабрдийдалар билан биргалашиб чиқаман. Қани, қонун ўликми ё тирик?! Кўрамиз!

Вассалом, аризамнинг мағзи юқоридаги баёндан иборат. Уни идорамиз барча аъзолари орасида шахсан ўзингиз баланд овозда ўқиб беришингизни, ўқилгандан сўнг муҳокамага қўйишингизни сурайман».

— Марҳамат! — Узатти у аризасини.

Тиржайибгина кўз юғурта бошлаган Ҳолуҳаммад ғаними устидан ғалаба қозонган қўчқордек кўкрак кериб қўйди. Бу ҳол сал ўтмай сўнди, ўрнини ҳавотирлик, чотини бурга чақандек безовталик қоплади. Дам аризага, дам Ҳафизага мўлтиради. Бора-бора устма-уст ичи сурган беморлек тамоман шалвиради. Муштига энгак тираганча қотти. Бир маҳал, билмадим, қонида жасорат жўш урдими, ўрнидан дик этиб турди-да:

— Қойил-а, — деди узоқ юғурган қариядек оғир ҳансираб, —қойил! Имтиҳонимдан аъло ўттингиз, хўш, ҳимм, табриклайман! Бизга сиздақа қатъий, ҳимм, нонини ҳалоллаб ейдиган, ўз вазифасига фидоий заҳматкашлар керак. Яшанг, Биласизми, ҳимм, келгуси ҳайтадан бошлаб таътилга чиқаман. Ўрнимда, хўш, ҳимм, фақат сиз қоласиз. Қайтишим биланоқ расмийлаштирамиз, муовиним буласиз. Хўш, сиз эслатган масалага келсак, ҳимм, сизга ишонаман, мен таътилдалигимда бу ишни ўзингиз ҳал қиласиз. Келишдик-а!

Хафиза орадан ҳеч гап ўтмагандек ибо билан, тавозе билан, индамайгина чиқиб кетти. Тилидан бол томиб турган Ҳолмуҳаммад унинг кетидан тишларини ғижирлатиб қўйди.

Бизлар йўловчимиз,
қўчадир ҳаёт,
Ҳай-ҳай, ҳайф, қолдирсак
ярашмаган от!

Ямин ҚУРБОН.

Гулчехралар гурунги...

Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси

Ҳилол

ЖОНИМ ЎЗБЕКИСТОНИМ

Озод юртим — Ватаним!
Сен менинг жону — таним!
Қутлуғ бўлсин истиқлол.
Она замин — Туроним,
Жоним — Ўзбекистоним.

Келажагинг буюқдир
Қўлингда ўз байроғинг.
Нишонимиз безайдир,
Ҳумо қуши — сайроғинг.
Жоним — Ўзбекистоним.

Ҳур байроғинг ҳилпирар,
Мағрур бугун БМТда.
Мен Ўзбекни эл билар,
Ер юзида — жаҳонда.
Жоним — Ўзбекистоним.

Темур насли — баҳодир,
Ҳар иш қилишга қодир,
Ўғил-қизларинг бордир,
Сенга бахт-иқбол ёрдир,
Жоним — Ўзбекистоним.

Ботирларинг бор бўлсин,
Давранг дуст, ёрга тўлсин,
Халқим бахтидан кўлсин.
Сенга иқбол ёр бўлсин,
Жоним — Ўзбекистоним.

Мард халқинг сенга — доя,
Беш ёшсан тетапоя,
Мақсад чўнг, катта ғоя,
Ишлар кўп, бениҳоя.
Жоним — Ўзбекистоним.

Келгуси боғу — бўстон
Тарихи битмас достон.
Турон замин — Туркистон,
Қутлуғ бўлсин истиқлол,
Жоним — Ўзбекистоним.

Абдумалик АЛИМОВ.

Ўзингизни билинг!

БОШЛИҚДАН РОЗИМИСИЗ?

Қуйидаги саволларни ўқинг, уларга берилган жавоблар бўйича очколларни жамлаб, тегишли баҳолар бўйича ҳулосага эга буласиз. Венгер психологларининг гуворлик беришлари, мазкур синов-сўровлар одамлар феъл-атворини 80 фоизгача аниқ таърифлаб беради.

«Қарийб ҳамиша» жавоби учун 4 очко, «кўпинча»га - 3 очко, «баъзибаъзида» жавобига 2 очко, «камдан-кам» деган жавоб учун 1, «ҳеч қачон» жавобига - 0 очко берилади.

1.Ўз ишингизни севасизми?

2. Бошлиқ сизнинг фикрингиз билан ҳисоблашадими?

3. Ў сизнинг таклифларингизни қабул қиладими?

4. Ўз муаммоларингизни баҳам кўриш учун унинг олдига кира оласизми?

5. Бошлиғингиз дадил бир қарорга кела оладими?

6. Мабодо, ишчилар жамоаси нимадандир норози бўлса - у билан гаплашса буладими?

7. У сизни ҳам масъулиятни зиммангизга олишга даъват этадими?

8. Бошлиғингиз қўл остидагиларнинг малакасини оширишга, мансаб пиллапояларидан кўтарилишига кўмаклашадими?

9. У ўз ходимларининг эришаётган муваффақиятларига қизиқадими?

10. Мабодо ходимлардан биронтаси нотўғри хулқ-атвор ёки ишда камчиликларга йўл қўйса, бошлиғингиз у билан босиқ, аммо қатъият билан гаплаша оладими?

11. Олқишга лойиқ иш қилган ходимни у мақтайдими?

12. Бирон қарорга келиш зарур бўлиб қолса- у масъулиятни ўз зиммасига ола оладими?

13. Сиз ўз меҳнатингиз натижаларидан қониқасизми?

Мазкур синов-сўровларга жавоблар натижаси бўйича хулосаларни газетанинг келгуси сешанба сонида ўқийсиз.

«Севишни уддалай оласизми?»синов-сўрови натижалари:

1. Сиз севишни уддалай олмайсиз, лекин севимли бўлишнинг уддасидан чиқасиз.

2. Сиз ўзингизнигина севишни биласиз.

3. Қандай севишни билмай севасиз.

4. Сиз сева оласиз, боз устига ҳаммани бирваракайига севишингиз мумкин.

5. Сиз ҳаддан ташқари ишингизни севасиз (лекин ишдагилар сизни унчалик ҳам ёқтиришмайди).

6. Севмай туриб, севишни уддалайсиз.

7. Сиз севишни биласиз, бироқ сизни севишни билишмайди.

МУНАЖЖИМ ТАЪБИРИ: САЛОМАТЛИГИНГИЗНИ АСРАНГ!

(2-9 апрел кунлари учун)

Шу кунлари юраги ва бош миясида қон айланиши заиф беморлар ўзларини бир мунча енгил ҳис этишлари кутилади. Шу билан бирга бош мия қон томирлари қисилишининг, қон қуюқлашуви олдини олувчи (шифокор назорати остида кавинтон, циннаризин, аспирин ва бошқа) муолажаларни тавсия этамиз. Айни пайтда тез-тез шамоллаш, тиш оғриги, эшитиш қобилиятининг пасайишига қарши чораларни кўриб юриш зарур.

Қуёш, Меркурий, Марс, Сатурн сайёралари «Қўй» буржидан ўтиши айнан инсон бошига таъсир этади. Шарқ тиббий илми нужуми нуқтаи-назаридан оҳир-оқибат жисмоний саломатликка таъсир этувчи инсон руҳий ҳолатида муайян сайёраларнинг ахлоқий фазилатларини идрок этиш муҳим аҳамиятга молик. Масалан, Қуёш - ижод, ғайрат, ташаббускорлик, олижаноблик, ўзидан ожизларни, ўзи ардоқлаган кишиларни ҳимоялаш демакдир.

Меркурий ҳабарлар, ғоялар, оқимини идрок қилиш, фикрлаш, ақли заковат хабарлар оқимини эркин таҳлил этиб, «оқ»ни «қора»дан ажрата билиш, хурофот ва ҳудбинликдан ҳоли онг тиниқлиги, шунингдек кириши кетувчанлик, одамохунлик хусусиятларига масъулдир. Марс бошқа одамлар ҳаёт маромини бузмаган ҳолда ўз фаоллиги, ирода ва ташаббусини, жасур, дадиллигини тўғри ва ҳар томонлама намоён этишни талаб этади. Шунингдек, инсоннинг тантилик, ватанпарварлик туйғуларига жавоб беради.

Сатурн бурч ҳисси, интизом, масъулият, мақсад сари интилиш, хотиржамлик, вазминлик, ички куч-қувват, оламни «қора» ва «қизил» ойнакларсиз тиниқ идрок этиш, яъни реал инсонпарварлик фазилатлари хомийсидир. Сайёраларнинг мазкур ахлоқий хусусиятларини тушуниш масъулияти инсоннинг ўзига тушади.

Бош ва бош мияда табиат инжиқликларига нисбатан заифлик ҳафта оҳиригача давом этади. Юз асаб толаларининг, бош мия ва мия қобиқларининг шамоллаши кўпроқ учраши эҳтимоли бор. Булар замбурутли ҳасталикларнинг зўрайиши оқибатида рўй бериши мумкин.

Сурункали томоқ, буйрак ҳасталикларидан азият чекувчи беморлар аҳволи ҳам яхшиланади. Бу ҳасталиклар муҳаббат, ғўзаллик, уйғунлик каби фазилатлар ҳомийси Зуҳро сайёраси таъсиридадир. Ҳозир ушбу фазилатларни идрок этишдаги кўпгина хурофий тушунчалардан халос бўлиш, улар хусусида янада юксакроқ ва ёрқин фикрлар туғилиши учун қулай пайт ҳисобланади.

Бот, подагра, тос-сон бўғимлари ҳасталиги сув алмашинуви ҳамда қон таркибининг бузилишидан келиб чиқадиган оёқ шишишидан азият чекувчи беморларга тананинг шу аъзоларига енгиллик бериш, бу ҳасталикларнинг зўрайиши олдини олувчи муолажалар тавсия этилади. Дориларни игна билан ички аъзоларга юборилганда томирларда қоннинг қотиб қолишидан эҳтиёт бўлинг. Ушбу ҳасталиклар ҳозир «Ейчи» буржида турган Юпитер сайёраси таъсиридадир. Бу сайёра олижаноблик, меҳр-шафқат, ҳайри-эҳсон, ватанпарварлик, инсон ва унинг юксак ғоялари, унинг истиқболи, келажак режаларига ҳомийлик қилади.

Саломат кишиларга ҳам, беморларга ҳам асаб бузилишларининг олдини олиш мақсадида турли ўтлардан тайёрланган тинчлантирувчи дорилардан истеъмол қилиб юришни тавсия этамиз. Болдир, оёқ бўғимларини эҳтиёт қилинг, тана бўйлаб тик кетган асаб толалари ҳасталаниши мумкин. Электрдан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш юқоридаги ҳасталиклар шу йил бошидан Уран сайёраси таъсирида содир бўлади. Бинобарин шу йиллар мобайнида юқоридаги ҳасталиклар «ҳужум қилиши», асаб, руҳий ва эндокрин тизимларида ғайриоддий ва мураккаб кечувчи оғриқлар юз бериши мумкин. Ушбу ҳасталиклар, Шарқ тиббий илми нужуми таъбирича, ҳар бир одамнинг маънавий ва маданий савияси, ҳозирги замон ҳаёт тарзига мос келмай қолиши туфайли юзага келади. Бу эса шу одамнинг эскирган қарашлари, унинг ақл ва қалби ҳудбинликдан ифлосланганлиги туфайли дил тўлқинлари фазовий маромларга мувофиқ келмаслиги билан боғлиқдир. Мазкур қусурлардан қутилиш мураккаб ва кўп вақт талаб қилувчи жараёндир. Лекин интилган одам мақсадига эришади. Бунда инсонни ҳаёти давомида кўпгина «ақл ва қалб тузоқлари» кутади. Одам кўпинча ўзининг ҳақлигига қаттиқ ишонади, тепадан эса унинг кимлиги яққол кўзга ташланиб туради. Шунинг учун адашганлигини вақтида эътироф этишнинг аҳамияти катта.

Ҳафта мобайнида гормонал етишмовчиликлар туфайли юзага келадиган ҳасталиклар, мураккаб тери касалликлари билан оғриш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Ошқозон, кўкрак безлари, кўкрак қафасининг олд қисми бир мунча нозиклашади. 2-3 апрелда ичаклар заифлашади, 3-5 апрел кунлари буйраклар, эндокрин тизими аъзолари, айниқса ошқозон ости бези ожизроқ бўлади. 6-7 апрелда тўғри ичак ва жинсий аъзолар, 8-9 апрел кунлари жигар ва қон ҳасталикларга мойилроқ бўлиши кутилади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардикки, ҳаётга қувноқлик билан қараб, ҳар бир ҳолатда омилкорликка интилсангиз, эзгулик ва самимийликка ошно бўлсангиз-ҳар қандай эҳтимолликлардан устунликка эришишингизга ишончимиз комил.

Буюк Ипак йўли бўйлаб

ТЕРМИЗ ЮБИЛЕЙИ

Термиз шаҳрида «Бақтрия-Тохаристон шаҳар маданияти» деган мавзуда халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Анжуман Марказий Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Термизнинг 2500 йиллигига бағишланди. Унда қатнашган Тожикистон, Россия, Франция, Ўзбекистон олимлари Бақтрия маданияти ҳақида маъруза қилдилар.

Антик давр (эрамизгача IУ-III асрлар) да ҳозирги Термизнинг ўрнида Деметрий шаҳри бўлган эди. Шаҳар уни қурдирган юнон-бақтрия подшоси Деметрий шарафига шундай аталган. Бу машҳур қадимшунос академик М.Е.Массон томонидан аниқланган эди. У Термиз археологик экспедициясини тузиб мазкур минтақада тадқиқот ишлари олиб борганди.

Қадимий шаҳар ўрнида қазувқидирув ишлари давом этмоқда. бу ишларни М.Е.Массоннинг шогирдлари олиб бормоқдалар. Қидирув ишларида Германия ва Франция археологлари ҳам қатнашмоқдалар. Тарих фанлари номзоди Ш.Пидаев, ёш археолог-олим Ш.Раҳмонов, хорижлик ҳамкасблари Хуф ва Лериш билан биргаликда ажойиб топилмаларга дуч келдилар. Бу далил ашёлар қадимий Термиз шаҳрининг бой тарихидан далолат беради.

Бу йил ЮНЕСКОнинг қарори билан Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланади. Шундан сўнг Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги тантанали ўтказилади. Маълумки, Самарқанд, Бухоро ва бошқалар Марказий Осиёнинг энг қадимги шаҳарлари ҳисобланади. Энди улар сафига Термиз ҳам қўшилди. 2000 йилда қардош Туркманистондаги қадимий Марвнинг ҳам 2500 йиллиги нишонланади. Қадимий Марв бир вақтлар Марказий Осиёдаги энг йирик ва энг бой маданият маркази бўлган шаҳар эди. Унда юз минглаб аҳоли яшарди. Буюк Ипак йўли Марв орқали ўтарди.

Қардош Тожикистон ҳудудидаги Панжикент шаҳри яқинида Марказий Осиёнинг энг қадимий Соразм шаҳри қолдиқлари топилгани бежиз эмас. Унинг ёши 5500 да деб тахмин қилинмоқда. Шу тарих Марказий Осиё маданияти Шарқнинг энг қадимий маданиятига тенглаштирилмоқда. Бу эса барча қардош республикалар олимларининг улкан хизмати туфайлидир.

Павел СИЛИН,
Тарих ва маданият ёдгорликларини қўриқлаш республика жамиятининг инспектори.

Шифокор маслаҳати

ҚЎЗИҚОРИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Республикамизда об-ҳавонинг илиқ келиши муносабати билан эрта баҳор кунлари қиру-адирлар алвон рангларга бурканади. Қўқатларни кўриб дил яйраб кетади. Ана шу палла қўзиқоринлар ҳам тез униб чиқа бошлайди. Қўзиқоринни тановвул қилиш ҳам лаззатли, аммо заҳарлиси қотилга айланишини ёддан чиқармаслик керак. Шу боис айни баҳор ойлари қўзиқоринлар заҳарланиш ҳоллари учраб туради. Баъзан унинг оқибатида фожиа рўй беради. Қўзиқоринлар турли хил бўладилар. Уларнинг озиқаси билан заҳарлисини ажратиб, ишонч ҳосил қилгандан кейингина истеъмол қилиш керак. Қолаверса, дуч келган кишилардан ҳарид қилиш ҳам ҳавфлидир. Чунки шаҳар ҳиёбонлари, йўл ёқаларидаги қўзиқоринлар бензин чиқарадиган заҳарли моддани тез қабул қилиб олиб, тури озуқали қўзиқоринга монанд бўлса ҳам заҳарлига айланиб қолади. Шу сабабли об-ҳавонинг ифлосланган, айниқса тайёрагоқ майдони, йўл ёқаларидаги қўзиқоринлар ҳавфлидир. Буни унутманг. Гуруҳий ҳам олиш чоғларида қўзиқоринни истеъмол қилишда ниҳоятда эҳтиёт бўлинг.

А.БОЙҚУЛОВ,
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология Бош бошқармаси етакчи мутахассиси.

Баланд учгин варрагим... **Р. ШАРИПОВ сурат-лавҳаси.**

Ҳажв дафтаридан

ТЕЗ ЁРДАМ

Миниатюра

Тез ёрдам станцияси. Кузойнакли навбатчи врач нималарнидир ёзиб утирибди. Телефон жиринглайди.

Овоз — Алло, бу тез ёрдамми?

Врач — Ҳа... Ҳизмат?

Овоз — Бахтсизлик... доктор, бахтсизлик! Мотоцикл минган бир бола катта тезликда симёғочга бориб урилди. Аҳволи жуда оғир.

Врач — Қачон, қаерда?..

Овоз — Ҳозиргина... Чорраҳада, мана енимизда... Чўзилгиб ётибди!

Врач — Хмм! Ҳозирги ёшларга ҳайрон қоласан киши. Эй, ҳеч кўзига қарамайди-я! Борган сари бебош бўлиб бораяпти булар. Ўзларини утга уришади, чўққа уришади, ё гапим нотўғри-ми? Лаббай? Алло, нега индамайсиз, боланинг ёши нечада?!

Овоз — Ун олтиларда, чамаси... жон ака, болага тез ёрдам керак?!

Врач — Э-э, қулоқ-мияни енгингиз-ку?! Тушиниб турибман. Олдин расмий томонини тўғрилайлик-да! Ҳалиги... исм-фамилиясини айтиб юборинг!

Овоз — Бу қанақаси? Болани биринчи марта кўришим, танимайман... Тушунсангиз-чи, ахир, бола гапирадиган аҳволда эмас.

Врач — Уф! Одамни жуда эзвордингизда, ука. Исм-шарифини, турар жойини билмасангиз... Бўпти, лоақал, бўйбастини, афтангорини айтинг?

Овоз — Туладан келган, бугдой юзли, чап юзида мошдек ҳоли бор.

Врач— Ҳоли бор?

Овоз — Ҳа, ҳоли бор, эгнида оқ финка, вельвет шим.

Врач — Вельвет шим дейсизми?!

Овоз — Мотоцикл қизил рангда...

Врач — А-а, қизил!.. Қизил денг?! Номерига бир қаравринг. Қани ука? Илтимос.

Овоз — Ҳа, эсим қурсин! Ноль еттию етмиш етти.

Врач — А?! Ўғлим Нодирнинг мотоцикли-ку? Вой шўрим. Қайси кўчада у?! Тезроқ! Алло!.. Алло!..

Қодир ҚАЮМОВ

Спорт

ОММАВИЙЛИК ВА МАҲОРАТ ҚЎЗГУСИ

Бир неча ойдирки Ўзбекистон спартакиадаси мусобақалари ўтказилмоқда. Мақсад оммавийликни ошириш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтириш, иқтидорли ёшларни камолга етказишдан иборат.

Спартакиада мусобақалари спортнинг 27 тури бўйича ўтказилади. Бугунгача спортнинг 8 тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Дастлабки сарҳисобга қараганда, Тошкент шаҳар терма жамоаси олдинда бормоқда. Пойтахтликлар спортнинг 6 тури бўйича биринчиликка эришишган. Самарқанд, Андижон, Тошкент, Навоий, Фарғона вилоятларининг вакиллари ҳам муваффақиятли куч синашиб, қучли олтиликни ташкил қилиб туришибди. Мусобақалар баскетбол, бокс, волейбол, самбо ва эркин кураш, шахмат, юнон-рум беллашуви, бадминтон ва шаҳмат бўйича ўтказилган эди.

Таҳлилларга кўра ҳозирданоқ қайси вилоятда спортнинг қандай турига эътибор берилаётгани ва оммавийлик таъминлангани кўриниб қолди. Айрим вилоятларда эса мусобақалар бўлиб ўтган спортнинг 8 туридан тенг ярми бўйича ҳам бахсларда иштирок этишга имкон топилмаган. Шу боисдан ҳам хоразмликлар бор-йўғи спортнинг икки тури бўйича мусобақада иштирок этиб, сўнгги 14-ўринни банд этиб туришибди. Сурхондарё, Жиззах ва Қарши вилоятларида ҳам аҳвол яхши эмас. Албатта апрель ойида Фарғонача кураш, эшкак суриш, чавандозлик, оғир атлетика бўйича ўтказиладиган мусобақа натижалари ҳар бир вилоят терма жамоасининг мавқеига таъсир қилиши мумкин. Ўйлаймизки, сусткашликка йўл қўяётган вилоятларнинг спортчилари ҳам ўзларини ўнглаб олишга ҳаракат қилишади.

Мирзо АНВАР.

Мамлакатлар, одамлар, одатлар

АФСОНАВИЙ МАҲЛУҚ ТУТИЛДИ

565 йилда Колумбис деган бир роҳиб Лох-Несс қўлида сувдан бир даҳшатли маҳлуқ чиққанлиги ҳақида хабар тарқатган. 1325 йилда нашр этилган жуғрофий атласда Лох-Несс қўлидаги «Илон бошли ва узун бўйинли баҳайбат балиқ» тилга олинган. Бу афсонавий маҳлуқ ҳақида бундан кейинги маълумот 1527 йилга оид бўлиб, унда даргазаб бўлган кандайдир маҳлуқнинг кўл соҳилидаги дарахтларни агдарганлиги, одамларни жароҳатлагани тилга олинган.

1880 йилда Лох-Несс қўлида сайр қилиб юрган елканли кемаларнинг ҳаво очиқ ва осойишта кунда тунтарилиб, одамлари билан кўл қаърига чўкиб кетганлиги ҳақида, хатто бу маҳлуқни кўрган одамлар ҳақида хабар тарқалди.

Афсонавий маҳлуқ ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар асримизнинг ўттизинчи йилларига таалуқлидир. 1933 йилда кўл ёқалаб йўл қурилиши бошланди. Қўлнинг яланг соҳилларида одамлар, машиналар пайдо бўлиб, турли ҳаракат ва шовқин-сурон бошланди. Худди шу кезлари мазкур маҳлуқни кўрганлар кўпайди. Э. Маунтон деган киши кўл ёқасида маҳсус қузатиш жойи ташкил этди. Бу баҳайбат маҳлуқ беш ҳафта мобайнида ўзини 15 маротаба кўрсатган.

1934 йилда лондонлик тиббиёт ходими кўл ёқасидан ўтиб кетаётганида аллақандай антиқа ҳайвоннинг сувдан бошини чиқариб турганини кўрган ва бўйни оққуш бўйнини эслатувчи бу маҳлуқнинг суратини олишга ҳам улгурган. Афсонавий маҳлуқнинг дастлабки фотосурати турли шов-шувларга сабаб бўлди.

1943 йили ҳарбий учувчи Б.Фэррел кўл устидан 250 ярд (бир ярд-0,9 метр) баландликда учиб кетаётган вақтида афсонавий маҳлуқни кўрганлигини ўз бошлиқларига айтади.

1963 йили Лох-Несс қўлининг қиргоғида бир неча маротаба портлатишлар ўтказилди, айни вақтда маҳлуқни 40 марта кўришга, олти мартаба кино тасмасига тушуришга муяссар бўлишган...

Хўш, Лох-Несс қўлининг ўзи қаерда ва ўзининг табиати қандай? Бу кўл Буюк Британия оролининг шимолий қисми - Шотландиядадир. Кўл атрофидан деярли йил буйи туман аримайди. Атрофидаги тоғлар игнабарғли ўрмонлар билан қопланган. Лох-Несс қўлининг майдони 55 квадрат километр бўлиб, чуқурлиги 325 метрга боради. Кўл тубининг тузилиши яқингача яхши ўрганилмаган эди. Кўл остида гранит қоялар, каттакатта ериқлар ва сув ости ғорлари борлиги маълум бўлган. Сув торф билан ифлосланганлиги сабабли ёруғлик нури сув остига ўтмайди, бинобарин сув остида фотосурат олиш имконияти чекланган. Аҳён-аҳёнда, ҳаво очиқ пайтларда кўл суви жигарранг бўлиб кўринади, туманли кунларда эса қорамтир рангда бўлади. Кўл суви совуқ. Ёзда ҳам бир неча метр чуқурликда ҳарорати 5-6 даражадан кўтарилмайди. Шунга қарамай, кўлда бир неча хил балиқлар яшайди. Лох-Несс кўли ўтмишда Шимолий денгизнинг бир қўлтиғи бўлган.

Афсонавий маҳлуқ ҳақидаги шов-шувлардан қейин бу маҳлуққа қизиқкан америкалик Р.Рейнс бу муаммони замонавий техника воситасида ҳал этишга киришган. Рейнс, ниҳоят 1975 йилда маҳлуқнинг фотосуратига эга бўлди. Бу сурат яна шов-шувга сабаб бўлди. Англия парламент мажлисларидан бири ана шу фотосуратга бағишланди.

1976 йилда икки бор Америка илмий сафари ташкил этилди. АҚШ, Канада ва Буюк Британиянинг ўзига қўринган мутахассисларидан 40 киши иштирок этди. Илмий сафар бир неча юз минг долларга тушган замонавий асбоблар орасида сонар (ультратовуш ёрдамида сув остидаги нарсаларнинг тасвирини ёзиб олувчи асбоб)лар бор эди. Сонар суратлари олинганлиги илмий сафар ишининг асосий якуни бўлди. Суратда тасвирланишича, жониворнинг елкасида ромбсимон сўзгич бор экан. Канадалик палеонтолог олим, илмий сафар аъзоси доктор К.Макговеқ бундай деган: «Мазкур сонар тасвирни олганимиздан кейин, энди кўлдаги маҳлуққа оид гапларни афсона ёки ўйдирма дея олмаймиз. Назаримда кўлда ҳақиқатан ҳам номаълум бир маҳлуқ яшайди...»

Смитсон институтнинг зоологи доктор Ж.Цач: «Ўйлайманки, олинган маълумотлар кўлда йирик ҳайвон борлиги ҳақида дадил гапиришга имкон беради», деган. Мутахассислар Лох-Несс кўлидаги афсонавий маҳлуқни излашни давом эттиравердилар...

«Умумжаҳон янгиликлари» жаридаси ниҳоят, Лох-Несс кўлидаги афсонавий маҳлуқнинг аниқланганлиги ҳақида хабар берди. Маҳлуқнинг узунлиги 20 метр, вазни эса 20 тонна атрофида экан. Уни дунёнинг етти мамлакатидан келган мутахассислар биргаликда тутишди. Улар жаҳонда биринчи маротаба бундан бир неча асрлар муқаддам пайдо бўлган ва инсониятни ҳозиргача қизиқтириб келган бу маҳлуқ ҳақида жуда очиқ маълумот-далилларга эга бўла бошладилар.

Француз зоологи, маҳлуқни тутган гуруҳ бошлиғи, доктор Майкл Женнет шундай деди: «Мана, биз афсонавий маҳлуқнинг мавжудлигини исботладик. Энди мақсадимиз - унинг нималигини аниқлаш. Ҳозиргача бу ҳайвоннинг номини ёки қайси турга мансублигини айтолмаймиз. Лекин биз ер юзидаги энг сўнгги динозаврни тутганимизга имонимиз комилдир».

Дунёга «Несси» номи билан маълум бўлган бу маҳлуқни тутиш ишлари махсус тадқиқот лойиҳаси асосида олиб борилди. Уни амалга ошириш учун уч йил вақт ва 9 миллион доллар маблағ сарфланди. Бу тадбирларни амалга оширишда Франция, Италия, Бельгия, Олмония, Швеция, Норвегия ва Америка Қўшма Штатлари олимлари - мутахассислари доктор Майкл Женнетни қўллабқувватлаб, яқиндан ёрдам беришди.

Бу иш осонликча ҳал бўлмаган. «Биз қидирув-изланиш бошидаёқ мисқоллаб топилган обрў-эътиборимизни қил устида турганини билардик. Жуда кўп ҳамкасбларимиз ҳатто биздан кулишган ҳам эди», дейди доктор Майкл Женнет.

Лекин гап-сўзлар, кесатиқлар тадқиқотчиларни тўхтатмади, чалғитмади. 1989 йил январида улар Лох-Несс кўли қиргоғида ишловчи таянч ташкил этишди. 32 ой мобайнида кўл тубининг харитасини тузиб чиқдилар. Нессининг яшаш жойи билан танишгандан кейин, улар ўзунлиги 52 метр келадиган панжарали темир қафас ясадилар ва унга ҳўрак учун етарли миқдорда балиқ қўйиб кўл тубига туширадилар. Қафасни ҳаво тўлдирилган иккита катта «ёстиқ» ушлаб турган. «Ёстиқ»лар ёрдамида, қафасни ҳоҳлаган пайтда кўтариб ва тушириб туришлари мумкин эди. Ўтган йили ноябрь ойининг 24 куни (узоқ кутилгандан кейин) нимадир қафаснинг бир томонини қўлги чириган матони йиртгандай юлқиб кетган.

Қафасни бир неча ҳафта мобайнида таъмирлаб, мустаҳкамлаб, унга тахминан бир ярим тонна келадиган ҳурак солиб, кўл тубига туширишган.

22 декабрда маҳлуқ қафасга кирган. Дастлаб кўп уринган, кейин қуниқиб тинчланган. Мутахассислар «Несси» кириб олган қафасни кунига уч маротаба сувдан кўтариб нафас олишга имкон беришмоқда, чунки у сувда ҳам қуруқликда ҳам яшашга мослашган ҳайвон. Мутахассислар Нессини кунига бир тонна чамаси балиқ билан боқишмоқда.

Мутасадди мутахассисларнинг берган маълумотларига қараганда, Несси ўзини яхши ҳис қилмоқда эмиш. Ғаввослар у билан дўстлашиб ҳам олишибди, улар Нессининг бошини силаб, эркалаб, қўллари билан овқат бера бошлашибди.

Ҳозир Нессининг қонини ва танасининг кичик будакчасидан тола олиб қуришибди ҳам.

Мирортуқ МИРАБДУЛЛОҲ ўғли

ИШОНЧ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Саидакром САИДВАЛИЕВ

Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89
Масъул котиб — 56-52-78
БЎЛИМЛАР
Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79. Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар —56-87-78, 56-87-63. Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-85-43
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-23-10. Бухорода —